СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXV СЪЕЗДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 50 (2945)
ДУШАНБА
1 март 1976 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР ҚОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съезди ўз ишини давом эттирмоқда

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съезди 28 февраль куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида ўз ишини давом эттирди.

«КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» юзасидан КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев докладини ва Марказий Ревизия комиссияси ҳисоботини муҳокама қилишда КПСС Татаристон область комитетининг биринчи секретари Ф. А. ТАБЕЕВ, КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. И. КОНОТОП, Белоруссия Компартияси Гродно район партия комитетининг биринчи секретари А. И. БЕЛЯКОВА, СССР Композиторлар Союзи правлениесининг биринчи секретари Т. Н. ХРЕННИКОВ, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. С. ДЕМИРЧЯН, КПСС Оренбург область комитетининг биринчи секретари А. В. КОВАЛЕНКО ўртоқлар қатнашдилар.

Делегатлар ва меҳмонлар томонидан қизғин кутиб олинган Франция Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари ГАСТОН ПЛИССОНЬЕ, Ҳиндистон Коммунистик партияси Миллий Кенгашининг Раиси ШРИПАД АМРИТ ДАНГЕ съездни табрикладилар.

Сўнгра КПСС Марказий Комитетининг ва Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладлари юзасидан Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. П. ГРИШКЯВИЧУС, Украина Компартияси Днепропетровск область комитетининг биринчи секретари А. Ф. ВАТЧЕНКО ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Совет Иттифоқи қаҳрамон Қуролли Кучларининг делегацияси шон-шуҳратларга бурканган жанговар байроқлар остида залга кириб келади. Съезд делегатлари ва меҳмонлари Ватанимиз ҳимоячиларини гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар. Стратегик ракета қўшинлари дивизиясининг командири генерал-майор С. Г. КОЧЕМАСОВга сўз берилади.

Генерал-майор Кочемасов КПСС XXV съезди делегатлари ва меҳмонларини совет Қуролли Кучларининг шахсий состави номидан табриклаб, Ленин васиятларига содиқ бўлган СССР Қуролли Кучлари партиянинг синалган раҳбарлигида коммунизмнинг буюк ишига бундан буён ҳам садоқат билан хизмат қилади, жонажон Ватанимизнинг муқаддас чегараларини мустаҳкам қўриқлайди, деб Коммунистик партия билан совет халқини ишонтиради. Совет Иттифоқининг Қуролли Кучлари Варшава шартномаси мамлакатларининг қардош армиялари билан биргаликда социализмнинг буюк ғалабаларини ҳимоя қилишга ва ҳар қандай агрессорга қақшатғич зарба беришга ҳамиша шайдир.

Сўнгра КПСС Марказий Комитети билан Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладлари юзасидан КПСС Новосибирск область комитетининг биринчи секретари Ф. С. ГОРЯЧЕВ, Кустанай область, Боровский районидаги «Харьковский» совхозининг тракторчиси К. Б. ДОНЕНБАЕВА, КПСС Бошқирдистон область комитетининг биринчи секретари М. З. ШОКИРОВ ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Шундан кейин делегатлар ва меҳмонлар томонидан қизғин кутиб олинган Испания Коммунистик партиясининг Раиси ДОЛОРЕС ИБАРРУРИ, Конго Меҳнат партияси Марказий Комитети махсус революцион штабининг аъзоси ЖАН ПЬЕР ЧИСТЕР—ЧИКАЙЯ ўртоқлар съездни табрикладилар.

Коммунистик ва миллий-демократик партияларнинг вакиллари: Марокаш Тараққиёт ва социализм партиясининг Бош секретари АЛИ ЯТА, Ғарби-Жанубий Африка халқ ташкилоти (НАМИБИЯ) Миллий Ижроия Комитетининг аъзоси, маъмурий секретари МЕЗЕС ГАРОИБ, Гватемала Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий комиссиясининг аъзоси АНДРЕС ГОНСАЛЕС, Годурас Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ДИОНИСИО РАМОС, Гаити коммунистлари Бирлашган партияси раҳбарлигининг аъзоси ЖАК ДОРСИЛЬЕН, Судан Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси, ИБРОҲИМ ЗАКАРИЯ, Парагвай Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари РЕЙНАЛЬДО МАРИН ўртоқлар, шунингдек Индонезия, Тунис ва Филиппин Коммунистик партияларининг вакиллари Москва шаҳар ва ҳарбий-ўқув юртлари партия ташкилотларининг 28 февралда бўлиб ўтган йиғилишларида сўзга чиқиб, КПСС XXV съездини табрикладилар.

КПСС XXV съезди мажлислар залида.

В. Бородин фотоси, («Сельская жизнь» газетаси).

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН — КОММУНИЗМ САРИ

Москвада КПССнинг XXV съезди ўз ишини давом эттирмоқда. Делегатлар КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботини ва КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг докладини юксак ишчанлик билан муҳокама қилмоқдалар.

КПСС XXIV съездидан кейин ўтган йиллар, деди Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **И. Г. Кэбин**, мамлакатимиз ҳаётида одамларнинг бахт-саодати йўлида, коммунизм қуриш йўлида зўр бериб ва айни вақтда илҳом билан меҳнат қилинган йиллар бўлди.

Эстония ССР меҳнаткашлари, деди нотиқ, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида якунловчи йил ва умуман беш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Тўққизинчи беш йиллик мобайнида республикада саноат маҳсулоти 41 процент кўпайиб, белгиланган даражадан ошиб кетди.

КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленумида партия аграр сиёсатининг колхоз ва совхозлар ривожидаги ҳозирги шароитларга мос келадиган асослари ишлаб чиқилди. Бугун биз бу сиёсатнинг тўғрилиги ва самарадорлигини қайд қила оламиз.

Ўтган йиллар партиямизнинг ташкилотчилик ва сиёсий ишининг янги тажрибаси билан бойитди, деб давом этди, сўнгра ўртоқ И. Г. Кэбин. Партия ҳужжатлари алмаштирилганлиги партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини кучайтиришда, коммунистларнинг КПСС устави талабларини бажариш учун бўлган масъулиятини оширишда бениҳоя муҳим роль ўйнади.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Е. М. Тяжельников** сўз олади. 35 миллион комсомол, барча совет ёшлари, деди у, КПСС Марказий Комитетининг ленинча сиёсий йўлини ва амалий фаолиятини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг ҳисобот докладида баён этилган программавий қоидалар ва хулосаларни тўла-тўкис маъқуллайдилар.

Тўққизинчи беш йиллик, деди сўзини давом эттириб нотиқ, комсомоллар ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш мактаби бўлди. 25 миллиондан ортиқ ёш меҳнатчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарди. Беш йилликнинг 40 минг ёш гвардиячиси, ўқиш аълочиси, жанговар хизмат аълочиси халқимизнинг муқаддас ғалаба байроғи ёнида суратга тушди.

Партия даъватига лаббай деб жавоб бериб, ҳамиша асосий марраларда коммунистлар билан бирга бўлиш — комсомолларнинг энг муҳим анъанасидир. Комсомол беш йиллик даврида Ғарбий Сибир районларига 30 минг йигит ва қиз юборди. Кўнгиллиларнинг биринчи отряди БАМга шу ердан, Кремлдан, комсомол XVII съездидан жўнаб кетди. Ҳозир эса магистрал қурилишида 35 минг йигит ва қиз меҳнат қилмоқда. Қора тупроқли бўлмаган зонани янада ривожлантиришни партия бениҳоя муҳим аҳамиятга эга бўлган вазифа, иккинчи қўриқ ер деб атади. Бу даъватга минглаб йигит ва қизлар лаббай деб жавоб беришди.

Ленин комсомоли партия XXV съездини ташкилий ва ғоявий жиҳатдан ҳар қачонгидан ҳам жипслашган, партиянинг ҳар қандай топшириғини бажаришга тайёр ҳолда кутиб олди. Ленин комсомолининг партия XXV съездига топшириладиган рапортига имзо чекишдек фахрли ҳуқуқни олиш учун бошланган мусобақа мисли кўрилмаган кенг қулоч ёзди. 1 миллион 750 минг нафар ёш беш йиллик гвардиячиси, ўқиш ва ҳарбий хизмат аълочиси, фан, маданият арбоби, олимпиада чемпионлари шу ҳуқуқни олдилар.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари бу рапортни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневга совет ёшларининг улуғ Коммунистик партияга, ленинчи Марказий Комитетга чексиз муҳаббати ва садоқати тимсоли сифатида топширди.

Ўтган йилларда халқаро майдонда жуда мураккаб, ғоят зиддиятли ва қалтис вазият рўй берган даврлар кўп бўлди, деди КПСС Ростов область комитетининг биринчи секретари ўртоқ **И. А. Бондаренко.** Бундай вазият Марказий Комитетдан, унинг Сиёсий бюросидан зўр ленинча донишмандлик билан иш куришни, масъулиятли қарорлар қабул этиб, ҳаракат қилишни талаб этди, халқлар ва давлатларнинг тақдири шунга боғлиқ эди. Биз ўз Марказий Комитетимиз, Сиёсий бюро, унинг раҳбарлари шундай талант соҳиби эканликлари билан фахрланамиз.

Марказий Комитетнинг 1965 йил март Пленумида ишлаб чиқилган партия аграр сиёсатининг тўғрилиги ва ҳаётийлигини тўққизинчи беш йиллик яққол исботлади. Об-ҳаво шароитлари жуда ноқулай келишига қарамай, қишлоқ хўжалигида ўртача йиллик ишлаб чиқариш ҳажми беш йиллик мобайнида 16 процент кўпайди.

Ўртоқ И. А. Бондаренко сўзининг охирида бундай деди: биз қилинган ишларга партиявий баҳо берар эканмиз, ҳали ишимизда ҳал этилмаган кўпгина масалалар, камчиликлар борлигини ҳам тан оламиз. Келгусида, бутун партия ташкилоти шу масалалар ва камчиликларни ҳал этиш учун сабот билан ишлайди.

Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **М. Ғ. Ғапуров** минбарга чиқди. Совет Туркманистони деди у, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш юзасидан КПСС XXIV съезди Директиваларини муваффақиятли равишда бажарди.

Бизнинг муваффақиятларимиз, деди сўнгра нотиқ, Коммунистик партиянинг доно ленинча миллий сиёсати изчиллик билан амалга оширилаётганлигининг, оғамиз — улуғ рус халқи ва бепоён Ватанимиздаги бошқа халқлар ҳар томонлама ёрдам бераётганлигининг натижасидир.

Ўртоқ М. Ғ. Ғапуров республика ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантириш истиқболларига, унинг табиий ресурсларидан комплекс фойдаланишга катта эътибор берди. Бутун мамлакат каби Туркманистоннинг халқ хўжалиги ҳам ўнинчи беш йилликда юксак суръатлар билан ривожлана беради, деб уқтирди у.

Делегатлар ва меҳмонлар томонидан қизғин кутиб олинган Югославия Коммунистлар Союзи Марказий Комитети Президиуми Ижроия Комитетининг секретари ўртоқ **С. Доланц**, Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий Комитетининг аъзоси, КХДР Маъмурий Кенгаши бош министрининг ўринбосари ўртоқ **Пак Сен Чер**, Ангола Халқ озодлик ҳаракати (МПЛА) Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ангола Халқ Республикаси ички маъмурият министри ўртоқ **А. Батишта** съездни табрикладилар.

Ленин партияси XXV съездида делегат бўлиб қатнашишдек юксак шарафга муяссар бўлганлигим учун бениҳоя бахтиёрман, деди Ставрополь ўлкасидаги Сотниково ўрта мактабининг илмий мудири ўртоқ **О. К. Гутцева**. Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг ёрқин, сермазмун доклади ҳар биримизда зўр таассурот қолдирди. Бу докладда партия ва халқнинг ғоят катта бунёдкорлик фаолияти ўзининг бутун улуғворлиги билан намоён бўлди.

Мен 1941 йилда, шогирдларимнинг ота-оналари фронтда жанг қилиб турган йилда мактабда биринчи дарс беришга киришган эдим. Ўттиз йилдан кўпроқ вақтдан бери совет кишилари тинчлик осмони остида яшаб келмоқдалар. Шу боисдан бизнинг болаларимиз уруш нималигини билмайдилар. Коммунистик партия, унинг Марказий Комитети тинчлик программасини қатъият билан амалга оширмоқдалар. Делегат муаллимлар номидан, болаларни ўстириб вояга етказаётганларнинг ҳаммаси номидан ўртоқ Леонид Ильич Брежневга тинчлик манфаатлари йўлида қилаётган жуда катта ишлари учун чин кўнгилдан миннатдорчилик ва ташаккур изҳор этди.

Муаллимлар, деди делегат, таълим ва тарбиянинг илғор методларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган масалаларни амалий ҳал қилиб беришни тезлаштириш керак, деб ҳисоблайдилар. Ўқитишнинг техника воситаларини, ўқитиш асбоблари ва кўрсатмали қуролларни фан ва техника тараққиётининг ҳозирги даражасини акс эттирувчи қўлланмаларни ишлаб чиқишни анча тезлаштириш зарурлиги етилган масала бўлиб қолди. СССР Маориф министрлиги ва СССР Педагогика Фанлари академияси илғор тажрибани янада активроқ умумлаштириб беришлари тарбиявий ишнинг бутун системасини эгаллаб олишда муаллимга кўмаклашишлари лозим.

КПСС Горький область комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Ю. Н. Христораднов** айтдики, КПСС тарихий XXV съезди ишининг ҳар бир куни, ҳар бир мажлиси партия билан халқнинг бузилмас бирлигини, улар улуғ Ленин васиятларига ва пролетар интернационализми байроғига содиқ эканликларини ёрқин намойиш қилмоқда. Партиянинг XXIV съезди ишлаб чиққан Тинчлик программасининг асосий қисми бажарилди, кескинликни юмшатишдан ва турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашини таъминлашдан иборат ленинча сиёсат халқаро майдонда турли ижобий силжишларга олиб келди. Бу эса совет коммунистларини ниҳоят даражада мамнун этмоқда. Социализм ҳозирги дунёнинг энг нуфузли кучи бўлиб қолди, барча халқлар учун энг жозибали жамият бўлиб қолди.

Делегат хўжалик қурилиши масалаларига катта эътибор берди. Ўтган беш йилликда область саноати, деди у, пландан ташқари 700 миллион сўмлик маҳсулотни реализация қилди. Ишлаб чиқаришдаги ўсишнинг 90 процентдан кўпроғи меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан қўлга киритилди. 300 хилдан кўпроқ маҳсулот сифат белгиси билан чиқарилмоқда.

Нотиқ юк автомобиллари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш билан алоқадор проблемаларга тўхталиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ЎРТОҚ А. КУНЬЯЛ БИЛАН УЧРАШДИ

28 февраль куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Португалия Компартиясининг Бош секретари ўртоқ А. Куньял билан учрашди. Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ М. А. Суслов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Б. Н. Пономарев қатнашдилар.

Самимий суҳбат чоғида Л. И. Брежнев, М. А. Суслов, Б. Н. Пономарев ва А. Куньял ўртоқлар халқаро вазиятнинг актуал масалалари ҳамда КПСС билан ПКП ўртасидаги, Совет Иттифоқи билан Португалия ўртасидаги муносабатлар хусусида фикрлашиб олдилар.

А. Куньял Совет Иттифоқининг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги муваффақиятларини юқори баҳолади. КПССнинг XXV съезди коммунизм йўлида янги даврни бошлаб беради, деб таъкидлади у.

Совет халқларининг коммунистик қурилишдаги муваффақиятлари — социализмнинг капитализмдан афзалликларини кўрсатувчи яққол мисолдир, барча мамлакатлар меҳнаткашларининг озодлик, миллий мустақиллик, тинчлик ва социал тараққиёт йўлидаги кураши учун муҳим омилдир.

А. Куньял Португалиядаги сиёсий вазиятнинг ривожи тўғрисида ахборот берди. Ўнг кучлар ва реакциянинг мамлакатни тараққиёт, миллий мустақиллик ва демократия йўлидан ривожланишига ҳалақит беришга уринишлари тўхтовсиз давом этмоқда, деб уқтирди у. Революция учун мураккаб бўлган шу даврда Португалия Компартияси Португалия халқининг революцион ғалабаларини ҳимоя қилиш, реакция кирдикорларига кескин зарба бериш ва фашизм хавфини тугатиш йўлида мамлакатнинг ҳамма демократик ва тараққийпарвар кучларини бирлаштириш учун сабот билан курашмоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Совет Иттифоқида Португалиядаги воқеаларнинг ривожи зўр эътибор билан кузатиб турилганлигини айтиб ўтди. Совет коммунистлари, мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари Португалия Компартияси ва Португалия демократларига ғоят хайриҳоҳ ва қардошларча бирдам эканликларини изҳор этмоқдалар.

Тинчлик программасини изчиллик билан амалга оширaётган, Хельсинкидаги кенгашнинг якунловчи актига содиқ бўлган Совет Иттифоқи янги Португалия билан ҳар тарафлама ҳамкорликни Португалия Республикасининг президенти К. Гомешнинг СССРга визити вақтида эришилган аҳдномалар асосида ва руҳида янада ривожлантириш тарафдоридир. Совет Иттифоқи Португалиянинг ички ишларига ажнабийларнинг ҳар қандай аралашувини кескин қоралайди.

Ангола мустақил деб эълон қилинганлиги ва МПЛА раҳбарлигида Ангола Халқ Республикаси барпо этилганлиги ангол халқининг ва Португалия демократик кучларининг катта ғалабаси бўлганлиги учрашувда қайд қилиб ўтилди.

ПКП Бош секретари Португалия меҳнаткашларининг озод ва демократик Португалия йўлида олиб бораётган кураши билан интернационал бирдамликлари учун Португалия коммунистлари совет халқларидан ва КПССдан ғоят миннатдор эканликларини айтди. КПСС ва ПКП раҳбарлари иккала партия ўртасидаги мустаҳкам дўстлик алоқаларини марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми таълимоти асосида бундан буён ҳам кучайтиришга интилаётганликларини изҳор этдилар.

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ КПСС XXV СЪЕЗДИГА ДОКЛАДИ НАШР ЭТИЛДИ

ВАРШАВА, 28 февраль. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг КПСС XXV съездида «КПСС Марказий Комитети ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» тўғрисида қилган доклади бу ерда поляк тилида нашр этилди.

ЎЗБЕК ТИЛИДА

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев «КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» тўғрисида 1976 йил 24 февралда Кремлнинг Съездлар саройида қилган докладини «Ўзбекистон» нашриёти ўзбек тилида алоҳида китобча қилиб чиқарди.

Китобча кўп нусхада нашр этилди.

(ЎзТАГ).

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН — КОММУНИЗМ САРИ

(Бошн 1-бетда).

Горький партия ташкилоти, деб давом қилди нотиқ. РСФСРнинг қора тупроқ бўлмаган зонасидаги қишлоқ хўжалигини юксалтиришдан иборат жуда катта вазифани ҳал қилиш устида иш олиб бормоқда. Областда деҳқончиликни ва чорвачиликни янада ривожлантириш учун зарур шароит вужудга келтирилди. Тўққизинчи беш йилликда сарфланган капитал маблағлар ярим миллиард сўм миқдорида кўпайди. Колхозлар ва совхозларнинг асосий фондлари ва энергия билан таъминланиши бир ярим баравардан зиёдроқ кўпайди. Бу эса қийин об-ҳаво шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ялпи ўсишини оширишга, гўшт ва сут етиштиришнинг йиллик ўртача миқдорини кўпайтиришга имкон берди.

Горький партия ташкилотининг вакили КПСС Марказий Комитетининг сиёсий бюро ва шахсан Леонид Ильич Брежнев совет Приморьесига доим эътибор бермоқдалар. Мамлакатнинг шарқий районларини тез ва комплекс ривожлантириш йўли оғишмай амалга оширилмоқда.

Ўртоқ В. П. Ломакин қурилишнинг ва балиқ саноатининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда янада ривожлантириш энг муҳим масалаларининг бири деди. Янги беш йилликда, деб таъкидлаб ўтди у, овлақ учун ишлатиладиган балиқ маҳсулоти тайёрлашни 30—32 процент кўпайтириш кўзда тутилади. Ана шундай юксак суръатларга эришмоқ учун барча ички резервларни сафарбар қилиш талаб қилинади.

Леонид Ильич Брежнев 1974 йил ноябрь ойида АҚШ президенти Ж. Форд билан учрашган вақтда қуролланиш пойгасини амалий равишда тўхтатишга қаратилган битимлар тузилди. Бизнинг партиямиз ва совет халқимиз халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати, бутун тараққийпарвар инсоният Узоқ Шарқдаги учрашувнинг янгиларини КПСС ташқи сиёсатининг ленинча йўлларини амалга ошириш соҳасидаги янги буюк қадам деб ҳисобламоқдалар ва Леонид Ильич Брежневнинг бу ишдаги буюк ролига юксак баҳо бермоқдалар.

Хитой раҳбарлари социализм мамлакатларига ва аввало бизнинг партиямизга қарши чиқмоқдалар. Игвогарлик мақсадида Совет-Хитой муносабатларини кескинлаштириб, бу муносабатларни нормаллаштириш йўлига тобора гов солмоқдалар. Барча совет кишилари каби приморьеликлар ҳам, деди ўртоқ В. П. Ломакин, маочилар туҳматини кескин равишда рад этмоқдалар, уларнинг бузғунчи антисовет йўлини қаҳр-ғазаб билан қораламоқдалар, партиямизни Хитойга нисбатан принципиал позицияларини тўла-тўкис қувватламоқдалар.

Делегатлар ва меҳмонлар Италия Коммунистик партиясининг Бош секретари ўртоқ **Э. Берлингуэр**нинг нутқини самимий кутиб олдилар. У айтдики, жаҳон жамоатчилиги, хусусан социализм ва тинчлик иши учун курашаётган кишилар КПСС XXV съездининг ишини зўр иштиёқ билан кузатиб турибдилар Нотиқ съезд делегатларига Италия Коммунистик партиясининг қардошлик саломини топширди.

Биз, деб таъкидлаб ўтди ўртоқ Э. Берлингуэр, ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладини зўр эътибор билан тинглади. Бу доклад сизнинг партиянгиз кейинги беш йил мобайнида қилинган кўп қирорали иш билан яқиндан танишиб чиқишимизга ва баҳсга ўрин қолдирмайдиган буюк муваффақиятларингиз заминида сизларнинг иқтисодий ва социал масалаларга, бу соҳада олдингизда турган вазифаларга ёндошувингизнинг ҳаққоний ва объективлигига баҳо беришга имкон яратди. Аввалги съездингиздан бери ўтган даврда ҳаётда муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Умуман олганда воқеаларнинг бориши тинчлик учун ва империализмга қарши курашаётган кучлар учун қулайлик туғдирди.

Биз Италия коммунистлари «совуқ уруш»ни тугатиш, СССРнинг Қўшма Штатлар билан ғарбдаги бошқа давлатлар, шу жумладаан Италия билан ҳам муносабатларни яхшилаш учун, кескинликнинг юмшатилишини мустаҳкамлаш ва тинч-тотув яшаш принципларига асосланган халқаро муносабатлар системасини вужудга келтириш учун қилинган ишларни астойдил қадрлаймиз. Буларнинг ҳаммасига КПСС XXIV съездида қабул қилинган Тинчлик программасини амалга ошира бориб қўшган ҳиссангиз туфайли эришилди.

Нотиқ ишончи билдириб айтдики, кейинги йилларнинг тажрибаси буни тасдиқлаб турибди, кескинликни юшатиш йўлида эришилган муваффақиятлар ҳар бир халқнинг ўз келажагини эркин равишда белгилаш ҳуқуқини қарор топдириш учун, инсоннятни империализм, эски ва янги мустамлакачиликдан, қуролланиш машаққатларидан, иқтисодий қолоқликдан ҳалос қилиш соҳасидаги буюк вазифаларни ҳал этиш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтирмоқда, тараққиёт ва демократиянинг янги йўлларини очиб бермоқда.

Э. Берлингуэр нутқининг охирида бундай деди: Улуг Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги яқинлашиб қолган ҳозирги кунда биз муносабатларимизга хос бўлган самимият ва қардошларча дилкашлик билан муваффақиятли ишлашингизни ва совет жамиятини ривожлантиришда, бутун дунёда тинчлик ва тараққиёт учун курашдан иборат муштарак ишимизда янгидан-янги ютуқларга эришувингизни тилаймиз.

Делегатлар ва меҳмонлар Чили Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий комиссиясининг ва секретариатининг аъзоси ўртоқ **А. Соррильяни** самимий кутиб олдилар. У Чили коммунистлари номидан КПСС XXV съездини қизғин табриклади ва партия Бош секретари ўртоқ Луис Корваланнинг бу ерга вакил бўлиб келишини истар эдим, деб айтди. Афсуски, у шу минбардан туриб совет коммунистларига мурожаат қилаолмайди, зеро ўртоқ Корвалан фашистлар турмасида қамалиб ётибди. Лекин биз сизларни ишонтириб айтамизки, деб сўзини давом эттирди нотиқ, Чили озодлиги учун кураш тимсоли бўлган ўртоқ Корвалан съездингиз ишларини сизлар билан бирга кузатиб турибди.

Чили халқи, деб таъкидлади ўртоқ А. Соррилья, бошига кулфат тушган кунларда ҳам, қувончли кунларида ҳам Совет Иттифоқининг дўстона муносабатларига суяниши мумкин эканлигига яна бир марта ишонч ҳосил қилди. Партиямизнинг асосчиси Рекабаррен Совет Иттифоқининг тарихий ролига юксак баҳо бериб ва антисоветизмни қоралаб хато қилмаганлигини ҳаёт яна бир марта исбот этди.

Нотиқ халқаро бирдамлик тўғрисида гапириб, бу бирдамлик халқларга курашиш ва ғалаба қозониш учун ёрдам бераётган энг муҳим омил эканлигини айтди. Чили халқаро бирдамлик кучини айниқса чуқур сезиб турди. Айни бир вақтда маочи раҳбарлар пролетар интернационализми принципларидан чекинганликларини ва Америка империализми билан, ирқчилар ва фашист ҳунтаси билан иноқлашиб кетганлигини биз мамлакатимиз мисолида, эндиликда эса Ангола мисолида яққол кўриб турибмиз. Ирқчилар ва фашист хунта қўли мингминглаб коммунистларнинг ва бошқа ватанпарварларнинг қони билан беланди.

Социалистик Куба Латин Америкаси халқларининг эртами ёки кечми, албатта ғалабага эришажагини кўрсатди. Қитъамиздаги коммунистик партияларнинг Гаванада бўлиб ўтган жуда муҳим кенгаши ва Куба Коммунистик партиясининг I съезди бизнинг бу ишончимизни янада мустаҳкамлайди. АҚШдаги энг реакцион доираларнинг Чилида Пиночетнинг қонли фашист диктатурасини ўрнатишга ва Уругвайда, Бразилияда, Парагвайда, Боливияда ва бошқа мамлакатларда шунга ўхшаш режимларни барпо этишга қаратилган сиёсати озодлик ҳаракатини тўхтата олмайди, халқлар оммаси, биринчи навбатда ишчилар синфи, демократия учун, антиимпериалистик революция йўлини тозалаш учун курашмоқдалар.

Ўртоқ А. Соррилья айтдики, фашист хунтасини ағдариб ташлаш, Чили халқининг энг асосий вазифасидир Бизнинг партиямиз ва бошқа халқ бирлиги партиялари мамлакат ичкарисида кураш фашист хунтаси устидан ғалаба қозониш учун ҳал қилувчи омил эканлигини тушинадилар, деди сўзини давом эттириб у. Биз ўртоқ Л. И. Брежневнинг Чилидаги воқеаларни таҳлил қилиб айтган фикрига қўшиламиз.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ватанимиз тўғрисида айтган сўзларини, унинг Луис Корваланни ва фашист хунтаси турмаларида азоб чекаётган барча маҳбусларни озод қилиш тўғрисидаги талабларни қатъият билан қўллаб-қувватлаганлиги Чилида ва бутун дунёда қизғин маъқулланиб кутиб олинади.

Жанубий Вьетнам миллий Озодлик фронти Марказий Комитетининг аъзоси, Жанубий Вьетнам Республикаси Ташқи ишлар министри ўртоқ **Нгуен Тхи Бинь** съездни табриклаб нутқ сўзлади. У қизғин давомли қарсаклар билан кутиб олинди. Ўртоқ Нгуен Тхи Бинь миллий Озодлик фронти номидан, Жанубий Вьетнамнинг барча ватанпарварлари ва социализм учун курашчилари номидан съезд делегатларига ва барча совет коммунистларига, бутун қаҳрамон совет халқига қардошларча жанговар қизғин салом топширди.

Жанубий Вьетнам аҳолиси ва миллий озодлик фронти, деб таъкилади ўртоқ Нгуен Тхи Бинь, қардош совет халқининг тўққизинчи беш йиллик планини бажариб кейинги йилларда КПССнинг, унинг ҳурматли ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг раҳбарлиги остида эришган жуда катта ва ҳар тарафлама муваффақиятларини қизғин табриклайди.

Жанубий Вьетнам аҳолиси ўз ватанини қутқариш учун Америка империализмига қарши узоқ вақт давомида олиб борган оғир машаққатли кураши пайтларида ҳам, шунингдек янги ҳаёт қуришнинг ҳозирги даврида ҳам қаҳрамон совет халқининг ғалабалари унга ҳамиша сафарбар қилувчи куч ва ғалабага чексиз ишонч манбаи бўлиб хизмат қилди, деди сўзини давом эттириб нотиқ. Юксак интернационализм руҳига содиқ бўлган Коммунистик партия, Совет Иттифоқи ҳукумати ва халқи Вьетнамга ҳамиша катта ва самарали мадад ва ёрдам бериб келдилар ҳамда шундай мадад ва ёрдам бериб турибдилар. Вьетнам халқининг яқинда эришган тўла ғалабасига Совет Иттифоқи ва бошқа қардош социалистик мамлакатлар ғоят муҳим ҳисса қўшганлигини биз ҳеч қачон унутмаймиз.

Эндиликда Вьетнам диёри тинчликка эришди, деди шундан кейин ўртоқ Нгуен Тхи Бинь. Вьетнамнинг ярим қисмида социализм ўз афзалликларини исбот этди.

Вьетнам халқи, Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти қатъий ишонадики, деди нотиқ, сабот-матонат ва қатъият каби миллий анъаналарни ривожлантириб «Ҳамма нарса социализм қурилиши учун, ҳамма нарса ватаннинг гуллаб-яшнаши учун» деган шиорга амал қилиб, Совет Иттифоқининг, бошқа қардош социалистик мамлакатларни, бутун дунёдаги барча дўстларимизнинг ёрдамига суяниб, ўз ватанининг тинч бунёдкорлик ишида янги-янги ғалабаларга эришади, революцион кураш ишига, Осиёда ва бутун дунёда тинчликни сақлаб қолиш ишига фаол ҳисса қўшади.

Шу билан съезднинг 27 февраль кечқурунги мажлиси ёпилди.

* * *

Съезднинг 28 февраль эрталабки мажлисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **В. В. Щербицкий** раислик қилди.

Бизнинг делегациямиз Татаристон коммунистларининг, барча меҳнаткашларининг хоҳиш-иродасини ифодалаб, Марказий Комитетнинг бош йўлини, партиянинг олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатини тўла равишда маъқуллайди, деди КПСС Татаристон область комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Ф. А. Табеев.** КПССнинг инсонпарварлик улуғ идеаллари билан суғорилган, ленинча революцион принципларга содиқ бўлган сиёсати совет халқининг туб манфаатларига, яъни тинчликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга тўла равишда мувофиқдир, деди у.

Татаристон нефтчилари 1970 йилда нефть индустриямиз тарихида биринчи марта мамлакатимизнинг бир районида 100 миллион тонна нефть қазиб чиқардилар. Республика коммунистлари мана шу йиллик марра бутун тўққизинчи беш йиллик давомида сақланиб қолинади, деб КПСС XXIV съездида ваъда берган эдилар. Делегат бу вазифа муваффақият билан ҳал этилганлигини XXV съездга маълум қилди. Ўтган беш йил мобайнида Ватанга саккизинчи беш йиллиқдагига қараганда 50 миллион тонна кўп нефть етказиб берилди.

Тўққизинчи беш йилликнинг умумхалқ қурилишларидан бири — Набережние Челнидаги Кама автомобиль комплексининг муваффақият билан қурилганлиги республика механизаторларининг ажойиб меҳнат зафарларидан биридир. Ўртоқ Ф. А. Табеев съезд олди социалистик мусобақаси давомида комплекснинг бош конвейери созлаш режимда ишлай бошлаб, ажойиб меҳнат ғалабасига эришилганлигини шу корхонанинг қурувчилари ва ходимлари номидан съездга, КПСС Марказий Комитетига ва Совет ҳукуматига маълум қилди.

Кама автомобиль заводи КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукуматининг доимо диққат марказида туриби, автозавод механизаторлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг зўр эътибори ва ғамхўрлигини доимо сезиб турибдилар. Делегат зарбдор қурилиш коллективларининг наказини бажариб, азим корхона қурилишига доимий ёрдам бераётганлиги учун ўртоқ Л. И. Брежневга зўр миннатдорчилик сўзларини топширди.

Москва область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **В. И. Конотоп** минбарга чиқади. Бутун мамлакатда бўлгани каби Москва областида ҳам ўтказилаётган митинглар ва йиғилишларда, меҳнат коллективларида, деди у, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Марказий Комитет номидан қилган ҳисобот доклади муҳокама этилиб, яқдиллик билан қизғин маъқулланмоқда.

Социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун Марказий Комитет қилган иш юксак баҳога сазовордир.

Ўртоқ В. И. Конотоп Фидель Кастрога мурожаат қилиб, совет кишиларининг энг самимий, қардошлик туйғуларини Кубанинг барча меҳнаткашларига айтиб қўйишни ундан илтимос қилди.

КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладида, деди нотиқ сўзини давом эттириб, империализмнинг энг реакцион кучлари билан бирлашиб кетган маочи раҳбарларининг Советларга қарши шовинистик, бузғунчилик, марксизм-ленинизмга душманчилик снёсатига принципиал баҳо берилди. Биз бу баҳога тўла-тўкис қўшиламиз.

Москва областининг экономикаси планли равишда мутасил ривожланмоқда, деди ўртоқ В. И. Конотоп. Область саноати беш йиллик планни муддатидан илгари бажарди

Область партия ташкилоти КПСС қарорларини бажара бориб, қишлоқ меҳнатчиларининг куч-ғайратларини ердан яхшироқ фойдаланишга, ишлаб чиқаришни интенсивлаш, ихтисослаштириш, концентрациялашга қаратмоқда Биз, деб таъкидлади делегат, ўртоқ Л. И. Брежневнинг қишлоқ меҳнатчиларимиз олдига Москва областини юқори даражада ривожланган интенсив қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши областига айлантириш тўғрисида қўйган вазифасини амалга ошириш устида сабот билан иш олиб боряпмиз.

Областда янги чорвачилик комплекслари қурадиган қишлоқ қурилиш комбинатлари ташкил этилмоқда. Истиқболли мавжуд фермаларни реконструкция қилиш мўлжалланмоқда.

Ленин партиясининг аъзоси, унинг кадр ходими ва жангчиси бўлиш буюк бахтдир, деди Белоруссия Компартияси Гродно район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **А. И. Белякова.** Қишлоқ район партия комитетларининг секретарлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг қишлоқ райкомларининг ходимлари совхозга, колхозга бормаган, хирмонни, фермани қўздан кечирмаган, одамлар билан дилкаш суҳбат қилмаган бирон ҳафта ёки бирон кунни тасаввур қила олмайдилар, деган илҳомбахш, самимий сўзларини доимо ёдда тутадилар. Зотан, биз партиянинг қишлоқдаги мухтор вакиллари каби XXV съезд қарорларини амалга ошириш учун ҳамма ишларни қиламиз, деб сиз, Леонид Ильични, КПСС Марказий Комитетини ва Сиёсий бюрони ишонтирамиз.

КПСС Марказий Комитети 1965 йил март Пленуми ишлаб чиққан аграр сиёсатни амалга ошириш учун қишлоқ район партия комитетлари зиммасига катта масъулият юклади. КПСС XXIV съезди талабларига биноан бир район ишининг услуби ва методларини доимо такомиллаштиришимиз Райкомнинг бутун диққат-эътибори бевосита меҳнат коллективларидаги ишларга, бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини ва активлигини ҳар томонлама оширишга қаратилгандир.

Район партия комитети партия раҳбарлигининг олий принципи бўлган коллективчилиқка изчиллик билан риоя қилиб ва уни ривожлантира борнб, айни вақтда ҳар бир ходимнинг ўзига топширилган иш учун шахсий масъулиятини ҳар томонлама оширмоқда, деб таъкидлади нотиқ. Кейинги йилларда қишлоқ партия ташкилотларининг мафкуравий иши кўлами анча кенгайди ва самарадорлиги ошди. Бунда КПСС Марказий Комитетининг «Белоруссия партия ташкилотида идеология кадрларини танлаш ва тарбиялаш иши тўғрисида»ги қарори жуда катта ёрдам берди.

Ўртоқ А. И. Белякова ўз нутқининг анчагина қисмини хўжалик қурилиши масалаларига бағишлади.

СССР Композиторлар Союзи правлениесининг биринчи секретари ўртоқ **Т. Н. Хренников** КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига ҳисоботини марксизм-ленинизмни ривожлантиришда янги босқични бошлайдиган чинакам тарихий ҳужжат деб атади. Композитор докладда маданият ва санъатни ривожлантиришга катта ўрин берилганлигини қайд қилиб бундай деди: Леонид Ильич Брежнев совет бадиий ижодиётининг кейинги йиллардаги ютуқларига, кўп миллатли социалистик маданиятимизнинг равнақи тўғрисида партиянинг доимий эътибори, доимий ғамхўрлиги туфайли эришилган ютуқларга икобий баҳо берганлиги биз, санъат арбобларига қанот бахш этади.

Санъат арбоблари, шу жумладан совет музикачилари КПСС XXIV съездида совет бадиий ижодкорлигидаги айрим салбий ҳодисалар хусусида айтилган танқидий мулоҳазаларни бажаришга интилиб, совет халқининг маънавий эҳтиёжларига муносиб жавоб беришга ҳаракат қилдилар, деди сўнгра ўртоқ Т. Н. Хренников. Совет музикаси ижодкорларини ўз асарларининг тингловчиларига бевосита яқинлаштириш учун кўп иш қилинди.

Партиямиз олиб бораётган жўшқин мафкуравий курашда, совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялаш ишида бизнинг музика санъатимиз ҳам муҳим роль ўйнайди, деди сўнгра делегат.

Композитор совет интеллигенциясининг бирлиги тўғрисида гапириб, совет социалистик демократиясини бадном қилиш мақсадида мўртадлардан айниқса зўр бериб фойдаланаётган антисовет туҳмат кампанияси ташкилотчиларини кескин қоралади.

Делегат ўз нутқида ўнинчи беш йиллик санъат арбоблари олдига қўяётган янги масъулиятли вазифаларга тўхталиб ўтди.

Совет Иттифоқининг ўн беш миллиондан ортиқ коммунистларидан ҳар бири, ҳар бир совет киши КПСС ички ва ташқи сиёсатининг ҳисобот давридаги жуда катта муваффақиятларини равшан ҳис этиб турибди, деди Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **К. С. Демирчян.** Бу муваффақиятлар одамларимиз кўп қиррали ғўзал ҳаётининг ҳамма жабҳалари ва соҳаларида сезилмоқда.

XXV съезд ўнинчи беш йилликда мамлакат олдига янги уфқлар очиб беради. Бу уфқлар ўртоқ Л. И. Брежневнинг ҳисобот докладида ва КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасида батафсил ифодалаб берилган.

Арманистон меҳнаткашлари тўққизинчи беш йиллик мобайнида эришган муваффақиятларни батафсил таърифлаб берган ўртоқ К. С. Демирчян республикадаги хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарликда йўл қўйилган камчиликларни ҳамда уларни тузатиш йўлларини анализ қилишга тўхталди.

Республика партия ташкилоти, деди сўзини давом эттириб у, ўзининг иш услуби ва методларини партиянинг ўртоқ Л. И. Брежнев докладида аниқ ва равшан таърифлаб берилган талабларига тўла мувофиқ ҳолга келтиришни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб билади.

Партия XXIV съезди ишлаб чиққан Тинчлик программаси ҳозирги замоннинг жуда муҳим ҳужжати бўлиб қолди. Бу программанинг амалга оширилиши Коммунистик партия билан Совет давлатининг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада кўпроқ мустаҳкамлади, деб таъкидлади КПСС Оренбург область комитетининг биринчи секретари ўртоқ **А. В. Когаленко.** КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга халқаро Ленин мукофоти берилганлиги ва у «Тинчлик олтин медали» билан мукофотланганлиги бунинг яққол далилидир. Партия Марказий Комитетининг бутун кўп қиррали ишида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев буюк роль ўйнамоқда.

Область ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, зиёлилари КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасини зўр қувонч билан қутиб олдилар, деди нотиқ сўзини давом эттириб. Бу ҳужжатни улар социалистик экономикани юксалтиришнинг, совет халқи фаровонлигини янада оширишнинг улуғвор программаси деб билмоқдалар.

Нотиқ социалистик интеграция тўғрисида гапирганда бундай деди: Оренбург билан социалистик иқтисодий ҳамдўстлик мамлакатлари орасида сал кам уч минг километр масофа бор. Аммо дўстлик ва ҳамкорлик учун олислик халақит бермайди. Узаро иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг баҳамжиҳат куч-ғайратлари билан областда Оренбург—СССРнинг ғарбий чегараси ёз қувури, Кимбаев асбест комбинати қурилмоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежнев дон етиштиришни зарбдор фронт деб атади. Область партия ташкилоти шу бош вазифани ҳал этишга жуда кўп эътибор бермоқда.

Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **П. П. Гришкявичус** минбарга чиқади.

Нотиқ бундай деди: коммунистик жамият қуриш ҳамма вазифаларни ҳал этишда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев шахсан қўшган ҳисса жуда катта. Сиз мухтарам Леонид Ильич, партиямизнинг доно, истеъдодли раҳбари, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби бўлишингиз билан бирга инсон деган улуғ зотнинг ҳамма энг яхши фазилатлари мужассамланган саҳий қалб соҳиби ҳам ҳисобланасиз.

Республикамизнинг меҳнаткашлари эришган ҳамма муваффақиятлар партиямизнинг ленинча миллий сиёсати туфайли, совет халқларининг бузилмас дўстлиги, уларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётган қардошларча ҳамкорлик муносабатлари туфайли мумкин бўлганлигини яхши билади. Бизга ҳамма қардош халқлар ва даставвал улуғ рус халқи ҳақиқатда бебаҳо ёрдам кўрсатмоқдалар.

Нотиқ республика партия ташкилоти ҳамиша КПССнинг содиқ жанговар отряди бўлиб қолади, Литва ССР меҳнаткашлари барча совет халқи билан бирга ўз кучи, билими, тажрибаларини партия XXV съездида қўйиладиган коммунистик бунёдкорлик вазифаларини бажаришга сарфлайверадилар, деб КПСС XXV съездини ишонтирди.

Днепропетровск область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **А. Ф. Ватченко** минбарга чиқади. У айтдики, КПССнинг XXIV съездида ишлаб чиқилган снёсий йўл ўзининг улуғвор ҳаётий кучини намойиш қилди ва ватанимизнинг коммунистик қурилиш ҳамма участкаларида олға силжиб боришини таъминлади.

Область партия ташкилотлари тўққизинчи беш йиллик якунларини чиқариб, навбатдаги вазифаларни ўйлашиб олиб, иш самарадорлиги ва сифатини оширишга, Днепропетровск областининг шу беш йилликка қўшадиган ҳиссаси янада салмоқли бўлмоғи учун резервлардан яхшироқ фойдаланишга кучгайрат сарфлаётирлар.

Ўртоқ А. Ф. Ватченко область металлургиясини янада ривожлантириш резервларига катта эътибор берди.

Днепропетровск партия ташкилоти шу тадбирлар муваффақиятли бажарилиши учун ташкилий ва идеологик иш сифатини астойдил ошириб бормоқда, кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйишни такомиллаштирмоқда.

Барча совет халқи сингари Днепропетровск областининг коммунистлари, ҳамма меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети ҳисоботидаги фикрлар ва хулосаларни тўла-тўкис маъқуллаб ва қўллаб-қувватлаб. Ватанни янада равнақ топдириш учун, коммунизм буюк ишининг тантанаси учун курашга ҳамма куч-қувват, билим, тажрибаларини сарфлайдилар, деб съездни ишонтирадилар.

СССР Қуролли Кучлари делегацияси жанговор байроқларига саф тортиб залга кириб келади. Делегатлар ва меҳмонлар Ватаннинг шонли ҳимоячиларини узоқ давом этган гулдурос қарсаклар остида қутиб оладилар. Стратегик ракета қўшинлари дивизиясининг командири генерал майор **С. Г. Кочемасов** солдат ва матрослар, сержант ва офицерлар, генераллар ва адмираллар, Совет Армияси ва Флотининг ҳамма жангчилари номидан партия XXV съездини табриклайди. У Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти жангчилари номидан гапириб, Совет Қуролли Кучлари коммунизм буюк ишига бундан буён ҳам садоқат билан хизмат қиладилар, совет халқининг тинч меҳнатини пухта ҳимоя қиладилар, Ватаннинг муқаддас чегараларини ҳимоя қилиш борасида бериладиган ҳар қандай буйруқни тамомила бажаришга тайёрдирлар, деб Коммунистик партиясини ишонтирди.

КПСС Новосибирск область комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Ф. С. Горячев** бундай деди: Новосибирск областининг коммунистлари, меҳнаткашлари ҳисобот докладини, ундаги ҳамма хулосалар ва қоидаларни батамом ва тўла-тўкис маъқулламоқдалар. Улар партиянинг ички ва ташқи сиёсатини яқдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар. Улар КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг совет халқи фаровонлигини ошириш, ялпи тинчликни мустаҳкамлаш соҳасидаги самарали, ленинча изчил ва собит-қадам фаолияти учун уларга қизғин миннатдорчилик изҳор этмоқдалар.

Ўртоқ Ф. С. Горячев хўжалик қурилиши тўғрисида гапирди.

Обком секретари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисида гапириб, Барабин даштини ўзлаштириш имкониятларини ўрганишни таклиф қилди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Фанлар академиясининг 250 йиллигига бағишланган тантаналн мажлисда СССР Фанлар академиясининг Сибирь бўлими жаҳон фанида ўз ўрнини мустаҳкам эгаллаб олганлигини уқтириб ўтди. Сибирь олимларининг фаолиятига бундай юксак баҳо берилганлиги уларни қувонтиради ва уларнинг зиммасига кўпгина масъулиятлар юклайди.

Менинг тақдирим — кўпгина меҳнаткаш совет аёлларининг тақдиридан ўнчалик фарқ қилмайди, деди Кустанай областидаги «Харьковский» совхозининг трактерчиси ўртоқ **К. Б. Доненбаева.** Сирасини айтсам, Совет ҳокимияти мендек оддий қозоқ аёлига берган неъматлардан чексиз бахтиёрман.

Тутқун чўпоннинг набираси бир вақт келиб яшнаб кетган даштда қудратли тракторни бошқаради, уни олий ҳокимият органига — СССР Олий Советига депутат қилиб сайлашади. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони беришади, деса илгари вақтда ишонч бўлармиди. ахир. Жонажон партия ҳар бир меҳнаткаш инсон қайси миллатга мансублигидан ва Советлар днёрининг қаерида яшашдан қатъий назар унга тинимсиз меҳрибонлик қилаётганлиги туфайли ана шуларга эришиш мумкин бўлди.

Делегат бундай деди: бизнинг совхозимизда кўпгина миллатларнинг фарзандлари аҳил оила бўлиб меҳнат қилмоқдалар. Аммо ҳаммамизнинг битта муштарак тилимиз — қардошлик ва дўстлик тили бор эди, ҳозир ҳам бор ва келажакда ҳам бўлаверади. Биз бир она—социалистик Ватанимизнинг ўғилқизлари. 250 миллиондан ошиб кетдик. Биз ҳаммамиз жонажон Коммунистик партия теварагида маҳкам жипслашган яқдил совет халқимиз.

КПСС XXIV съездидан кейин ўтган вақт партиямизнинг қаҳрамонона йилномасида алоҳида ўрин олади, деди КПСС Бошқирдистон область комитетининг биринчи секретари ўртоқ **М. З. Шакиров** партия съездида сўзлаган нутқида. Бу даврда эришилган улуғвор зафарлар натижасида қудратли давлатимиз янада бадавлат ва забардаст бўлиб қолди, меҳнаткашларнинг фаровонлиги анча ошди, олға томон янада жадал ҳаракат қилиш учун шарт-шароит вужудга келтирилди.

Биз партиямиз Марказий Комитетининг снёсатини тула-тўкис маъқуллаймиз.

Делегатлар ва меҳмонлар самимий кутиб олган Франция Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари **Г. Плиссонье**, Ҳиндистон Коммунистик партияси Миллий Кенгашининг Раиси **Ш. А. Данге**. Испания Коммунистик партиясининг Раиси **Долорес Ибаррури**, Конго Меҳнат партияси Марказий Комитети махсус революцион штабининг аъзоси **Жан-Пьер Чистер-Чикайя** ўртоқлар съездни табриклардилар.

* * *

Сўнгра делегатлар ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи снёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари тўғрисида қилган доклади юзасидан XXV съезд резолюцияси лойиҳасини тайёрлаш учун бир овоздан комиссия сайладилар. Ўртоқ Л. И. Брежнев раислиги остидаги комиссия 110 кишидан иборат составда сайланди.

1 март куни КПССнинг XXV съезди ўз ишини давом эттиради.

(ТАСС).

2-бет. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

1 МАРТ, 1976 й.

Муқаддас партия

Муқаддас партиям, сенсан жаҳон халқин таманноси,
Табаррук марказингдур ер юзининг арши аълоси.
Қўшилмоқда ҳисобсиз юлдузингга янги юлдузлар,
Бу юлдузларни кўрмабдур қадимнинг қанча доноси.
Шараф, бахту саодат, тинчлигу эрку адолатнинг,
Узингсан денгизи ҳам, тўлқини ҳам, дурри яктоси.
Қуёшни ким қуёш деб мақтаса энг содда таърифдир,
Бу мақтов арзимас гар унда йўқдир халқ сиймоси.
Жаҳоннинг ранг-баранг олимлари таъзим этар сенга,
Нечунким сен билан ҳал бўлди бу олам муаммоси.
Тараққиёт сенинг фикрингла минг марта ривож олди,
Буюк белгингни ўпдилар фалакнинг ойу Зуҳроси.
Азиз эл тинчлигин бузғувчи аҳли можароларнинг,
Заҳардек ўз томоғига қуюлди барча даъвоси.
Улуғ номингга гарчи арзимас ёздим қўшиқ, Чустий,
Қабул этсанг бўлур албатта бир достонча маъноси.

ЧУСТИЙ.

▲ САНЪАТ МУЗЕЙИ ЯНГИЛИКЛАРИ

Театр ва кино безаклари кўргазмаси

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида республика рассомларининг театр ва кино санъатига оид асарлари кўргазмаси очилди. Унда 40 га яқин рассомнинг икки юздан зиёд иши намойиш қилинмоқда.

Экспонатлар орасида СССР халқ рассоми Ўрол Тансиқбоевнинг «Қалқамен ва Маъмир» қозоқ операси учун ишлаган безаклари, Ҳ. Икромовнинг «Паранжи сирлари», «Туркия ҳақидаги ҳиқоялар», М. Мусаевнинг «Сухайл ва Меҳли», «Лайли ва Мажнун», «Майсаранинг иши», И. Вальденберг ва Д. Ушаковларнинг «Қирол Лир», «Гамлет» спектаклларига ишлаган саҳна безаклари бор.

Янги экспонатлар

Музей экспонатлари кундан-кунга бойиб бормоқда. Яқинда «Ўзбекистон тасвирий санъати» бўлимига ҳайкалтарош Я. К. Кучиснинг «Ўрол Тансиқбоев», «Совет санъати» бўлимига эса грузиялик ҳайкалтарош Г. М. Мерибашвилининг «СССР халқ рассоми Ўрол Тансиқбоев» деб номланган асарлари қўйилди.

Иккала асарда ҳам табиат куйчисининг сиймоси жонли ва ҳаётий гавдалантирилган. Кучиснинг сополдан ишлаган ҳайкалида Ўрол Тансиқбоевнинг йигитлик пайти акс этган бўлса, Мерибашвилининг бронза ҳайкалида СССР халқ рассоми унвонига сазовор бўлган мўйқалам устасининг ижодий камолотга эришган пайти бадиий акс эттирилган.

Қизиқарли учрашув

Кекса ҳайкалтарош Ф. И. Гришченко 1958 йилда ишчи ҳайкал— портретини яратиб, музейга топширган эди. Унда куч-ғайратга тўла ишчи қиёфаси муҳрланган. Бу асар бир неча йилдан буён музейнинг доимий экспозициясида намойиш қилиб келинарди. Унинг ёнида эса «Ишчи Сотбоев» деб ёзиб қўйилганди.

Яқинда кекса ёшлардаги бир киши музейда меҳмон бўлди. У экспонатларни синчиклаб томоша қилар экан, бояги ҳайкал қаршисида узоқ туриб қолди. Чунки унда ўзининг сиймоси акс эттирилган эди. Музей ходими билан суҳбатда асар жуда аниқ ишланганлигини, фақат изоҳ нотўғри эканлигини айтди. Чунки фамилияси Сотбоев эмас, Сатенов экан. У анча кексайган бўлишига қарамай, ҳайкалтарош яратган портретга айнан ўхшарди.

Текширишлар натижасида чиндан ҳам изоҳда хатога йўл қўйилганлиги аниқланди. Эндиликда экспонат «Ишчи Сатенов» деган ном остида намойиш қилинмоқда.

Санъатга оид фильмлар

Санъат музейининг лекция залида дам олиш кунлари ўқилаётган лекциялар ва намойиш этилаётган кинофильмлар кўпчилик диққатини жалб этмоқда. Яқинда музей фильм фонди санъатга оид янги киноленталар билан бойиди. «Тожикистон санъати», «Александр Санько», «Катерина Белокур», «Модалар тарихи», Таллин киностудиясининг «Ижод қувончи», Ленинград киностудиясининг «СССР халқ рассоми Е. Е. Моисеенко» номли фильмлари шулар жумласидандир.

М. АҲМЕДОВ,
музейнинг катта илмий ходими.

Шаҳримиздаги китоб магазинларида жонажон партиямизнинг XXV съездига бағишлаб чиқарилган турли хил ижтимоий ва сиёсий адабиёт ҳамда рангли бадиий плакатлар сотилмоқда. Мана бу суратда Новомосковская кўчасида жойлашган намунали тўққизинчи китоб магазинининг ижтимоий-сиёсий адабиёт бўлимида савдо пайти.

М. Нуриддинов фотоси.

Адабиёт ва санъат

▲ ШЕЪРИЯТ ГУЛШАНИДА ▲ ГУЗАЛЛИК ОЛАМИГА САЁҲАТ ▲ ҲАВАСКОРЛАР МУВАФФАҚИЯТИ ▲ ЯНГИ КИТОБЛАР.

Ҳафталар

Довулларни писанд қилмасдан ҳатто,
Сукунатнинг созуқ қаърида чўкмай,
Бир текис айланар чархпалак—
ҳафта,
Ариқдан, йўриқдан, тарихдан
чиқмай.
Якшанбадан токи шанбага қадар
Чамбарчас, ўлчовлик мўъжаз бир
гардиш.
Гирдобида неча асрлар ётар,
Инсон зоти кўрган фароғат, ташвиш.
Қирғин-қирғин жанглар, бомба
портлаши,
Қизнинг ёноғига қўнган дард, ишва,
Ракета парвози, рикша додлаши —
Ҳаммаси баравар сиғар гардишга.
Етти баҳодир — етти қодир кун
Замон хизматида ном олмиш—ҳафта,
Дунёда энг кичик энг ботир қўшин—
Шулардир, минг йилки ҳато йўқ
сафда.
Ҳеч нарса дунёга келмагай қайтиб,
Ҳеч нарса мунтазам яшамас такрор.
Ҳафтанинг кунлари келар саф
тортиб, —
Ҳаёт мангулигин ким этар инкор?!
Айланиб-айланиб келавергач, оҳ,—
Ҳафтанинг етти банд мангу қўшиғи,
Одамзод толиқди, ҳайқирди ногоҳ:
Бир кунга сўнсайди бу оташ чўғи...
Ҳафтанинг бир куни одамзод тинди,
Хизматига бормай, ётди уйида.
Дарахтнинг бир шохи наҳотки синди,
Наҳотки бир қудрат сўнди пайида?
Йўқ, йўқ, бу... инсонни овутмоқ учун
Сиртига мой суртган азалий меҳнат.
Қани ўша ором, фароғатли кун!—
Айри тушдимикин қалбдан муҳаббат?
Дам олиш кунида, айтинг-чи, қани,
Фарзанд туғилиши тўхтаганми ё?
Якшанбанинг агар бўлмаса жони,—
Ажалсиз ўтарди шу куни дунё...
Ҳолбуки, ҳафтанинг ҳар они ҳаёт,
Ором деганлари ёлғон, мажозий.
Ҳафта қўшинида абадий сабот,
Қарши туролмагай дунё сарбози.
Айлана-айлана чийриғидан у,
Замон-замонларни ўтказар ютиб.
Комига тортса ҳам қанча бахт,
қайғу,—
Озаймас, кўпаймас, — яшар не
кутиб?—
Билолмадим. Ўйлай-ўйлай шу ҳақда,
Ўтиб кетди мана неча юз ҳафта.

Юсуф ШОМАНСУР.

Тонг қўшиғи

Уфқ оқармоқда.
Оқарар рангсиз,
Қайгадир ошиқар шарпасиз оқшом.
Бир қўшиқ оқмоқда дилда жарангсиз,
Ва гўдак қалбидай бағри нурафшон.
Чумчуқ чирқилламас ҳали бу дамда,
Интизор уфқда бир юлдуз уйғоқ.
Тўймайин боққанча нурли чаманга,
Қутлуғ тонг қўйнида чўғланар,
шу чоқ—
Таралар қуёшнинг нурли қатими,
Дил уфқ ортидан недир қўмсайди.
Ўқий олмадимку нурлар хатини,
Қани энди қалбим тонгга тўлсайди.
Уни бермасмидим онажон сенга,
Тонг каби қувончинг бир умр кўрсам.
Уни бермасмидим фарзанд
шеъримга,
Мурғак бандларида мен кулар
бўлсам.
Уфқ оқармоқда,
Оқарар рангсиз,
Қайгадир ошиқар шарпасиз оқшом.
Бир қўшиқ оқмоқда дилда
жарангсиз,
Ва гўдак қалбидай бағри нурафшон.

Бозор НОМОЗОВ.

Она сурати

Она, расминг чизмоқчи бўлдим,
Чизолмадим мен уни бироқ.
Мен сочингни чиза олмадим —
Сочинг экан шу қоғоздек оқ.
Она, расминг чизмоқчи бўлдим,
Чизолмадим — топмадим бўёқ,
Юрагингни чиза олмадим —
Юрагинг ҳам сочинг каби оқ.
Суратингни қоғозга чизиш,
Мушкул экан—умидни уздим.
Бир умрга қолгулик қилиб,
Юрагимнинг ўзига чиздим.

Мухторали НОСИРОВ.

● Янги спектакль

«7 миллион умр»

Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театри коллективи кейинги пайтда бир қатор асарларни муваффақиятли саҳналаштириб, ўз муҳлисларига туҳфа этди. Яқиндагина А. Дюманинг «Уч мушкетёр» асари намойиш этилган эди. Куни кеча театр яна томошабинлар билан гавжум бўлди. Бу сафар санъаткорлар П. Телегенев ва А. Алиевлар асари асосида саҳналаштирилган «Етти миллион умр» спектаклини кўрсатдилар.

Спектаклдаги асосий ролларни Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист О. Толипов, Б. Нурмуҳамедов, Л. Саъдуллаев, Ё. Қутлиев, М. Комилов ва бошқалар ижро этдилар. Икки пардада олти кўринишли бу драмани режиссёр М. Бобоев саҳнага қўйди.

Ҳозир театр репертуарида 30 га яқин саҳна асари бор.

Р. ҚОСИМХУЖАЕВА.

Совуқ тушган кунларда

ҲИКОЯ

ШАНБА куни эди. Эрта билан бемалол нонушта қилиб, райгаз идорасига жўнадим. Райгаз, горгаз ходимлари билан тез-тез учрашиб, сўраб-суриштириб турилмаса, бу йил қишда ҳам газ ёқолмаслигимизни ўйлаб борар эканман, эрталабки салқинда елкаларим, белим жиндак увишаётганини сездим. «Октябрь анча салқин келди, — дедим ўзимга-ўзим. — Демак ноябрда ҳаво яна ҳам совийди. Балки эрта-индин уйларни иситишга тўғри келиб қолар...»

Катта кўчани кесиб ўтмоқчи бўлаётганимда чап тарафда кўмир тўла самосвал келаётганига кўзим тушди. Бу йил ҳам кўмир олсам, зарар қилмасман-ку, деган фикр ялт этиб миямдан ўтди-ю, дарҳол қўлимни кўтардим. Машина тўхтади. Шофер билан келишдим-да, кабинага ўтириб, изимга қайтдим. Кўмирни дарвоза олдига тушириб, шофер билан ҳисоб-китоб қилдим... Қайтадан йўлга тушаётганимда хотиним:

— Кўмир ташитишга одам олиб келасизми? — деб сўради.

— Кечга яқин ўзим ҳам қайтаман-ку, бир амаллаб таширмиз, — дея дудмалроқ гапирдим. Хотиним эса:

— Шунча кўмирни ташиш осон бўптими?— деганича қолаверди.

Газ ўтказиш бўйича тегишли ходимлар билан гаплашиб, тахминан соат икки-учларда уйга қайтдим. Дарвозамизга яқинлашганимда узун бўйли, елкалари чиққан бир кариянинг челакка кўмир солаётганини кўрдим. Келганига анча вақт бўлган шекилли, кўмирнинг ярмидан кўпроғини ташиб қўйибди. Чолга бир қараб қўйиб, салом бердим-да, ёнидан ўтиб ҳовлига кирдим. Қошлари ўсиқ, ёноқлари чиққан қариянинг юзлари, бурун атрофлари кўмирга бўялган эди. Соқол-мўйлаби яқин орада тароқ кўрмагандек патакланиб кетган.

— Хоним, қўлларини кўмирга ургилари келмапти-да, — дедим ошхонадан чиқиб, уйга кираётган хотинимга. Ҳазил гапни жиддий оҳангда сўзлаётганимни хотиним сезиб қолдида:

— Йўқ, аксинча, сизга раҳмим келди, — деди. Икковимиз олдинма-кейин уйга кирдик.

—Ўз оёғи билан келиб қолди шу бобой,— деди хотиним. — Кўмирингизни ташиб берай, қизим, дейди. Беш сўмга ташиб берадиган бўлди. Ўзиям сизнинг областингиздан экан. Фарзандларингиз борми, деб сўрасам индамади...

Мен кўчалик кийимларимни уй кийимларимга алмаштириб, айвонга чиқдим. Хотиним айвондаги хонтахтага нон, қанд-қурс олиб чиқди-да, чой дамлаб келди. Чойни қайтараётганимда чол кўмир тўла челакларни кўтарганча кўмирхона тарафга ўтди. Қайтиб келаётганида:

— Чой ичинг, ота, — дедим. Ўзи ҳам шундай таклифни кутиб турган экан, шекилли, ўша заҳоти челакларни ерга қўйди-да, қўлларини қоққан бўлди, эскириб кетган йўл-йўл қора камзулнинг этакларини силкитди. Водопровод ёнига бориб, қўлини ювди. Айвонга яқинлашаётганида айрим жойларининг жуни тўкилиб, териси очилиб қолган телпагини бошидан олиб қоқди. Сўнгра зинапоядан чиқиб, эгни кир бўлгани учун кўрпачани қайириб қўйиб, хонтахта ёнига ўтирди. Чой узатдим.

— Ҳорманг, отахон! Чарчамадингизми? — дедим. — Дастурхонга қаранг...

Чол ҳарсиллар эди. У дастурхонга қўл узатиб, у-бу нарсалардан тотинди, чой ичди.

— Узоқдан келган экансиз-да, отахон!— дедим индамай ўтираверишни ўзимга эп кўрмай. — Нима ишлар билан юрибсиз бу ёкларда?

— Туз-насиб экан-да, ўғлим,— деди чол ерга тикилганича.

Гапимиз узилиб қолди.

— Нечага кирдингиз, отахон? — деб сўрадим — анчадан кейин.

— Олтмиш олтига...

Чол мен тахмин қилганимдан кўра беш-олти ёш кичик экан.

— Ота, аслида қайси райондан бўласиз?... Э, шунақами, ҳамрайон эканмиз-да, буни қаранг-а...

Чол бошини кўтариб, менга бир қараб қўйди. Кўзлари ичкарига чўкиб кетгани учунми, негадир, қўрқинчлироқ кўринарди. Бўртиб чиққан ёноқлари, узун мўйлаби кимнидир эслатгандек бўлди. У дастурхондаги у-бу нарсалардан тотинар, тинимсиз чой ичар, менга қарамас эди. Менинг кимлигим, қайси қишлоқдан эканлигимни сўрармикан, деб кутдим. Аммо ундан садо чиқмади. Охирида яна ўзим:

— Қайси колхоздан бўласиз, ота? — деб сўрадим.

— «Ғайрат» колхозидан, — деди у чайнаётганларини чой билан ютатуриб. — Дўнг қишлоғидан...

Чол пиёлани узататуриб, мени танийсизми, дегандек яна бир бор қараб қўйди. Мен унга бир муддат тикилиб қолдим. Наҳотки... Ҳа, худди ўзи... Эсладим, танидим! Ҳамқишлоқни ҳам танимай бўладими?!.

Чол қисқагина фотиҳа қилиб, ўрнидан турди-да, кўмир ташишга тушиб кетди. Хотиним уйдан чиқиб:

— Чой дамлаб берайми? — деди-ю юзимга тикилиб сўради. — Ҳа, нима бўлди? Рангингиз ўзгариб кетди? Нимадан хафа бўлдингиз?

— Йўқ, ўзим... шундай, — дедим-у ёшлигимда кечган бир воқеани эслаб кетдим.

...Уруш бошланган йили тўққиз яшар бола эдим. Кечагидек эсимда, уруш ҳақидаги хабар етиб келган кунларда қишлоғимиз кишиларининг хотиржамлик кайфияти йўқолди. Барчанинг юз-кўзида таҳлика, ҳавотир аломатлари зоҳир эди. Кундузлари қуёш одатдагидек иситар, кечалари сутдек ойдин бўлар эди-ю, бироқ кўзга кўринмайдиган хира туманлик ҳамма ёқни босиб тургандек эди...

Катта акам қишлоқдаги тенгқурлари билан фронтга жўнади. Куз ойларида эндигина ўн етти ёшга тўлган, техникумда ўқиб турган кичик акам ҳам қизил вагонга миниб, ғарбга йўл олди. Ҳовлимиз ҳувиллаб қолгандек эди. Дадам билан аям ҳар куни акаларимни эслашиб, кўз ёш тўкишар, номард душманни мағлуб қилиб тезроқ қайтиб келишларини тилашар эди... Бироқ иккала акамнинг фронтга кетиши ҳам бизга камлик қилган экан. Куз охирида дадам ҳам меҳнат фронтига жўнайдиган бўлиб қолдилар.

Дадамнинг кетадиган кунлари куз фаслининг сўнгги куни тугаб, қиш фаслининг бошланишига тўғри келди. Дадам кетишларидан бир кун аввал осмон эрталабдан қорамтир-кўнғир булутлар билан қопланди, ҳаво бироз дим бўлди. Дадам тушга яқин уйимизга колхоз омборидан ярим қоп буғдой олиб келдилар. Қопни ерга қўйдилар-да, нафасларини ростлаб олмай туриб, аямга ўгирилиб сўзладилар:

— Эртага мен жўнаганимдан кейин мана буни болалар билан тегирмонга олиб боргин... Режа билан ишлатгин, унни... Сигиримиз бўлса, бор, сут-қатиқни ҳам бемалол оралатиб турсанг бўлади. Мабодо жуда толиқиб қоладиган бўлсаларинг сандиқдаги буғдойни ҳам тегирмонда унлаб келарсизлар. Унгача мен ҳам, худо хоҳласа, келиб қоларман...

Аям ерга тикилганларича сукут сақлаб турардилар. Мен эса, гоҳ дадамга, гоҳ аямга қарар эдим. Аямнинг кўзларидан ёш томчиларди.

— Сизга бир тандир нон ёпиб қўйдим, — дедилар дадамга.

— Яхши қилибсан, — дедилар дадам. — Кечқурун Бегимқул келмоқчи экан бизникига. Яна битта-яримта меҳмон ҳам келиб қолар... Нон ёпганинг яхши бўпти.

— Бегимқул нега келади? — ҳайрон бўлиб сўрадилар аям.

— Билмасам. Кечқурун кираман, бирпас гаплашиб ўтирамиз, деди.. Мен билан хайрлашса керак-да. Қоидаси шунақадир-да ўзи...

Қишлоғимиз атрофидаги ерларга Бегим мўйлов деган киши бригадир эди. Ёши қирқлардан ошган, алпқомат бу одамнинг нега фронтга бормай қишлоқда керилиб юргани сабабини ҳалигача ҳам билмайман. Бегим мўйлов анчагина зуғумкор бригадирлардан эди. Кўпинча от устида юрар, ўзи лозим топган пайтда аъзоларига дағдаға қилар, ҳатто баъзиларига қамчин ўқталар эди. Ўзи йўқлигида ҳамма уни «Беги мўйлов» деб атаса ҳам, ўзи борлигида «Бегимқул», «Бегимқул ака» деб чақирар эди. Мана, энди шу сердағдаға бригадир кечқурун бизникига келиб, дадам билан хайрлашар эмиш. Унинг ташриф буюришини эшитиб, фақат аям эмас, мен ҳам ҳайрон бўлдим. Чунки Бегим мўйлов бировларга меҳрибончилик кўрсатадиган қиёфадаги кимса эмас эди.

Тезда бошқа ишларга алаҳсиб кетдим. Қўшнимизнинг ҳовузидан сув олиб келиб, оғилдаги сигиримизни суғордим. Сўнгра мактабга кетдим... Дарсдан чиқиб уйга қайтаётганимда майдалаб ёмғир қуя бошлади... Кечқурун уйимизга Бегим мўйлов, қўшнимиз Шодибек ака келишди. Шодибек ака ҳар галгидек арабча алфавитда босилган «Юсуф ва Зулайҳо» китобини кўтариб чиққан эди. Ҳаммамиз сандал атрофида ўтирдик, шўрва ичдик. Шодибек ака китобини очатуриб Бегим мўйловдан сўради:

— Розиқ акани кўрмадингизми?

— Йўқ, кўрмадим, — деди Бегим мўйлов.

— Боя чойхонада ўтирган экан, мени тўхтатиб сизни сўради. Кўрганим йўқ, дедим.

Бегим мўйлов индамади, Шодибек акага жавоб бериш ўрнига уйимизнинг бурчакларига бир-бир қараб қўйди. Шодибек ака: «Алқисса андин сўнг»... деб китоб ўқишга тушди...

Вақт алламаҳал бўлиб кетди. Ҳаммамиз навбатма-навбат эснашга тушдик. Ёнимда ўтирган тўрт яшар укам аллақачон ухлаб ётар эди. Шодибек ака ҳам эснай-эснай китобини ёпди. Кутилмаганда Бегим мўйлов узун қўллари билан менинг бошимни силади:

— Ҳали ҳам ухламай ўтирибсан-а...

Шодибек ака хайр-хўшлашиб уйига кетди. Бироқ Бегим мўйлов ҳадеганда кетмади, ўтираверди. Ҳар замонда у ҳам эснаб-эснаб қўярди. Гапирадиган гапининг ҳам тайини йўқ эди. У эснайтуриб дадамнинг юзига қарамасдан:

— Ҳа, Ҳусан ака, яхши бориб келинг ишқилиб, — деди. Шодибек ака кетганидан бери шу гапни уч-тўрт бор такрорлади... Мен мудраб ўтирдим-да, укамнинг ёнига чўзилдим. Шу кўйи ухлаб қолибман...

Эрталаб аямнинг ваҳимали сўзларидан уйғониб кетдим:

— Ҳой, дадаси, ётаверасизми?.. Кеча оғилнинг эшигини қулфлагандингизми?..

Дадам бирор фалокат юз берганлигини сезгандек дарҳол ўринларидан турдилар.

— Қулфловдим чоғи... Нима бўпти?..

— Оғилнинг эшиги ҳайҳотдек очиқ-ку...

— Сигир турибтими?

— Ичкарига қарамадим... Ўзингиз чиқинг тезроқ. Эшигининг зулфини бузилганга ўхшайди. Ичкарига киришга қўрқдим... Қулфи ҳам кўринмайди...

Дадам апил-тапил кийиниб, ташқарига отилиб чиқдилар. Мен ҳам дарҳол ўрнимдан туриб чопонимни кийдим. Оёғимни этикчамга суқдим-да, уйдан чиқдим. Мурғак онгим иккита нарсани бирданига ҳазм қилолмаган бўлса керак, остонадан чиқиб, кўзларим жимирлашиб кетди. Мен оғилнинг очиқ қолгани, сигиримизнинг оғилда бор-йўқлигини ўйлаб чиқаётган эдим. Ташқарида ногаҳон оппоқ қорга дуч келдим. Ҳовлимиз ҳам, томларнинг усти ҳам, дарахтлар ҳам қорга бурканиб олган экан. Эшик олдида ётган итимиз—Изиқут ҳушимни ўзимга келтирди. У чарчоқлик билан бир-икки бор ҳуриб қўйди. Итнинг бўйни ва елкаси ҳам юпқагина қор билан қопланган эди... Аям мудҳиш воқеани кутаётгандек ҳовли ўртасида турардилар... Дадам бир маҳал оғилдан чиқдилар-да:

— Шўримиз қуриб қопти-ку!— деб инграб юбордилар. Аям эса:

— Вой шўрим!— дедилар-у ҳовлининг ўртасида қор устига ўтириб қолдилар. Дадам дағ-дағ титраганларича келиб, аямни турғаздилар. Аям дадамнинг суёвида уйга кирар эканлар, изиллаб йиғлашга тушдилар:

— Ўша қора ерга киргур Бегим мўйловингиз нега бизникига келдийкин, девдим-а... Ер юткурнинг сизга нимага мунча меҳрибон бўлиб қолганига ҳайрон бўлувдим-а... Вой, шўргинам қурсин!..

— Ўзимнинг ҳам гумоним ўшандан, — дедилар дадам нойлож. — Нима ҳам қилаолардик!..

(Давоми 4-бетда).

Оқ йўл, «Гулдаста»

— Ортиқча билетингиз йўқми?

Ўтган ҳафтада «Энергетик» маданият саройи олдида тўпланган санъат ишқибозлари тилида бу саволни тез-тез эшитиш мумкин эди. Тўғриси, гап бу ерда таклиф билетлари ҳақида борарди. Шундай бўлса ҳам маданият саройининг 500 дан ортиқ киши сиғадиган зали концертга тушишга хоҳлаганларнинг ярмини ҳам сиғдира олмади. Ҳаваскор артистларнинг чиқишларида бундай манзарани камдан-кам кўриш мумкин. Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг «Гулдаста» ашула-чолғу ансамбли учун эса бу оддий ҳол. Шу куни мухлислар гавжумлигининг яна бир сабаби, ансамблга Тошкент области Ленин комсомоли мукофоти ва халқ ансамбли унвони берилганлиги муносабати билан ҳисобот концерти берилмоқда эди.

Бу концертгача ансамбль анча узоқ йўлни босиб ўтди. 1969 йилда ҳозир ижтимоий касблар факультетининг декани бўлиб ишлаётган Олег Енгаличев бошчилигида бир гуруҳ комсомолларнинг ташаббуси билан ансамбль ташкил топди. У мамлакатимизнинг турли бурчакларида ва турли йилларда яратилган энг яхши қўшиқларни ташвиқ қилишни ўзига вазифа қилиб олди. Ҳаваскор артистлар маҳоратини бирданига қўлга киритганлари йўқ. Ташаббускорлик, интилиш ва изланиш ўз самарасини берди. Ансамбль ватанпарварварлик комсомол қўшиқлари область конкурси лауреати бўлди, мамлакат қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлари Бутуниттифоқ фестивалида ғолиб чиқди, «Ёш овозлар» республика конкурсида муваффақиятга эришди, «Алло, биз талантларни излаймиз» деб номланган Бутуниттифоқ телевизион фестивалида республикамиз номидан муваффақиятли иштирок этди, ёшлар ва студентларнинг Бутуниттифоқ фестивали лауреати бўлди. Булар меҳнатсевар коллектив қўлга киритган ютуқларнинг ҳаммаси эмас. Аммо ҳаваскор артистлар учун энг катта мукофот— томошабинларнинг меҳр-муҳаббати.

Ансамблни нега бунчалик севишади? Чунки, ижрочилар халқ куйларига масъулият билан ёндошадилар, қўшиқ анъаналарини муваффақиятли давом эттиряптилар, ўнлаб йиллар илгари янграб, унутилаёзган қўшиқларга иккинчи ҳаёт бахш этяптилар. Энг асосийси, коллектив юксак ижрочилик маданиятига эга.

«Энергетик» маданият саройида бўлиб ўтган ҳисобот концертида «Гулдаста» бу фикрларни яна бир бор тасдиқлади. Солистлардан А. Меербеков, М. Мавлонова, Ш. Шамсутдинов, Э. Ғанихўжаев, В. Кўришев ва бошқалар ижросидаги С. Юдаковнинг «Ўзбекистон», Е. Мартиновнинг «Оққуш садоқати» ва бошқа қўшиқлар самимий ҳамда ёқимли жаранглади.

— Энг асосийси биз учун ҳаваскор артистларнинг қўлга киритган мукофотлари ёки уларнинг машҳурлиги эмас, балки ансамблнинг, бошқа бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг аъзолари институтимизни тугатгандан кейин қишлоққа борганларида дала меҳнаткашларига дам олишни ташкил қилишда яқинда ёрдам бера олишидадир, — дейди институт ректори, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Э. Т. Шайхов. —шунинг учун ҳам ректорат, партия ва жамоат ташкилотлари бадиий ҳаваскорлик тараққиётига катта аҳамият берадилар.

...Концерт тугади. Томошабинлар ва ҳаваскор артистлар мамнун ҳолда тарқалдилар. Халқ ансамбли унвони, Тошкент область Ленин комсомоли мукофоти лауреати номининг берилиши коллективга янада катта масъулият юклайди.

Оқ йўл, «Гулдаста»!

Ю. КАЗАЧЕНКО.

СУРАТДА: «Гулдаста» ансамбли.



КИТОБ ЖАВОНИ

Муҳим қўлланма

Маълумки, йилдан-йилга олий ўқув юртларига кирувчилар олдига қўйиладиган талаб ортиб бормоқда.

Шунинг учун ҳам кейинги йилларда кўпгина олий ўқув юртлари қошида тайёрлов бўлимлари очилди.

Яқинда «Ўқитувчи» нашриёти олимлар Ҳолиқ Абдураҳмонов ва Қудрат Аҳмедовлар томонидан ана шундай тайёрлов бўлимлари студентлари ва абитуриентлар учун мўлжаллаб ёзилган «Ўзбек тили ва адабиёти» номли қўлланмани босиб чиқарди. Қўлланмага адабиётшунос олим Ю. Султонов ва тилшунос Р. Икромовалар махсус муҳаррирлик қилишган.

Қўлланма «Ўзбек тили» ва «Абадиёт» қисмлари ҳамда имлоси қийин сўзларнинг қисқача луғатидан иборат.

Ўрта мактабни битирганига кўп вақт бўлган абитуриентларнинг савиялари, билим олиш усуллари ҳисобга олиниб, қўлланмадаги материалларнинг берилиши кўпроқ мустақил ўқишга, мустақил шуғулланишга асосланган. Бундай қўлланма ўзбек тилида биринчи бор ёзилган бўлиб, у барча олий ўқув юртларига кирувчилар учун фойдалидир.

Н. МАҲМУДОВ,
Тошкент Давлат маданият институти ўқитувчиси.

СОВУҚ ТУШГАН КУНЛАРДА

(ҲИКОЯ)

[Боши 3-бетда].

— Э, парвардигор! Шунчалик ҳам ғафлатда қолдирасанми бизни?!— дея нолиш қилардилар аям тинимсиз йиғлаб.— Изиқут жонвор туни билан ҳуриб чиқди. Билиб ётдим: ҳуриганича оғил томонга боради, уй томонга келади, оғил томонга боради, уй томонга келади. Тураман-тураман дейман, қани кўзимни очолсам-а...

Дадам ҳайрон эдилар. Қўллари билан пешоналарини ушлаганларича сандалга суяниб ўтириб қолдилар. Мен аямнинг буйруқлари билан қўни-қўшниларга хабар бердим. Ана-мана дегунча уйимиз одамга тўлди. Лекин уларнинг қўлидан нима иш келарди... Дадам билан аямни ҳар ким ҳар хил гаплар билан юпатар эди холос. Шодибек ака ҳам Бегим мўйловдан гумонсиради:

— Биладиган одам қилади бу ишни, ака,— деди у дадамга. — Нотаниш одам қилиб бўпти.. Шу, Бегим баччағардан гумоним борда, ака. Нимагадир кеча Розиқ меш ҳам қишлоқда юрувди. Бегимни сўради мендан. Станцияга кўчиб кетган бу одам нимага қишлоққа оралаб қопти, деб ҳайрон бўлувдим. Унинг келиши ҳам бежизмасдиров.

— Бегимнинг уйи билан Розиқнинг ҳовлисига бориб келсаммикан? — дедилар дадам.

— Э, ака, содда экансиз. Ўғри одам сиз билан бизга ўхшаган содда бўлмайди— ўғирланган молни уйида сақламайди. Ким билади, аллақачон сўйиб гўшт қилиб юборишдими...

— Ёнидагидан бошқа қорнида ҳам боласи бор эди-я, — деб яна пиқ-пиқ йиғладилар аям.

— Э, қизиқ экансиз, янга, сўядиган одам кисир-буғозлигига қараб ўтирармиди?.. Энди ака, сизнинг вақтингиз қисталанг,— деди Шодибек ака дадамга. — Сиз йўлга тушаверинг. Поезддан кечикиб, гап эшитиб юрманг тағин. Бизлар қўлимиздан келганча қидиришамиз, суриштирамиз...

Қўшниларимиз Шодибек аканинг гапини маъқуллашди. Дадам юкларини орқалаб ҳовлидан чиқдилар. Ҳаммамиз билан бир-бир хайрлашар эканлар, кўзларидан тирқираб ёш оқар эди...

Қўшни хотинлардан иккитаси уйимизда қолди. Аям икковимиз сигиримизни қидиришга тушдик. Суриштиришни ёнимиздаги гузардан бошладик:

— Бир қизил қашқа сигирни кўрмадиларингизми?.. Ёнида бузоғи ҳам бор...

— Мабодо сизларнинг ҳовлингизга ўзи қизил, пешанаси қашқа сигир кирмадими?.. Елини катта, ёнида бузоғи ҳам бор...

Йўқолган сигиримизнинг юввошлиги, ўз-ўзидан бировларнинг ҳовлисига кирмаслиги, оғилнинг қулфи ўз-ўзидан бузилиб, эшиги очилиб қолмаслиги аямга ҳам, ҳатто менга ҳам аён эди. Сигиримизнинг топилмаслигига юздан тўқсон тўққиз марта ишонар эдик. Аммо юздан бир умид бизни эшикма-эшик санғиб юришга мажбур этар эди.

Худди кечагидек эсимда, ўша куни ҳаммаёқ биринчи қорга бурканиб ётар, қор ёғиши ҳали тинмаган, осмонга қараган одамнинг юз-кўзларига қор заррачалари тушар, зум ўтмай эриб кетар эди. Қўшни гузарлардаги кўчаларда мен тенги болалар қор устида сирпаниб юришар, бир-бирига қор отиб ўйнар, қор устида олишиб, завқланишар эди. Мен эса, биринчи қор гаштидан маҳрум эдим. «Энди нима қиламиз? Қандай қилиб кун кечирамиз?» деган ваҳимали ўйлар мурғак фикримни пармалар, юрагимни эзар эди. Мен биринчи қордан завқланолмас эдим. Гарчи у биринчи қор бўлса ҳам менинг учун сигиримизнинг изини кўмиб юборган, Бегим мўйлов билан Розиқ меш сингари виждонсиз ўғриларнинг «меҳнатини» осонлаштирган хосиятсиз қор эди...

Хуллас, сигиримиз топилмади.

Мен учун, оиламиз учун ўша қиш жуда ваҳимали бўлди. Озиқ-овқатнинг камлигидан, ёвғон овқатдан силламиз қуриди. Айниқса укам, нафси ёмонроқмиди ёки кичик бўлгани учунми, қорни очганида ариллаб йиғлайверарди. Аям ҳар куни атала пишираётиб ўчоқ бошида кўз ёши тўкар, йиғлай-йиғлай Бегим мўйловни қарғар эдилар.

— Ўша ергина юткур Бегим сигиримни олиб кетмаганида болаларимнинг оғзидан оқлиқ аримас эди, — деярдилар ҳар гал.

Қиш тугаб эрта кўклам бошланган пайтлари аҳволимиз айниқса қийин кечди. Икки-уч ойгача уйда нон ёпилмади, нон юзини кўрмадик. Ҳар куни бир маҳалдан атала ичар эдик. Охирида дадамнинг аввалги йили ёзда экиш учун асраб қўйганлари— қовоқ уруғ, қовун уруғларни ҳам қовуриб, ўгирда туйиб едик...

Амал-тақал қилиб арпа пишиғи, тут пишиғига етиб олдик. Кўп ўтмай катта акам иккита қўлтиқтаёқ билан бўлса ҳам урушдан қайтди. Ёз ойларида дадам ҳам эсон-омон келиб қолдилар... Уруш тугаган йили кичик акам билан ҳам юз кўришдик.

Кийин кунлар ортда қолди. Аста-секин ўзимизни ўнглаб олдик. Йўқолган сигиримизнинг ҳам ўрни тўлиб, ҳеч қандай қийинчиликни кўрмагандай бўлиб кетдик.

Урушдан кейинги йиллар эди чамаси, Бегим мўйлов яна қанақадир ўғирлик билан қўлга тушиб қамалиб кетганини эшитдик.

Шу орада мен ўрта мактабни битириб, бошқа шаҳарга кетдим — институтга кирдим. Ўқишни битириб, мана умримиз бор экан, бир идорада ишлаб юрибман.

Мана, тасодифни қарангки, бугун Бегим мўйлов билан яна учрашиб турибман. Мен уни танидим. Лекин у ҳали мени танигани йўқ... Диванда узоқ хаёлланиб ётиб, кўзим илинибди. Чўчиб уйғондим. Кўзларимни уқалаб ҳовлига чиқсам, — Бегим мўйлов кўмирни ташиб бўлиб, юз-қўлини юваётган экан. Уни яна айвондаги хонтахта ёнига чақирдим. Хотиним лаганда қовурдоқ олиб келди. Овқат маҳали деярли гаплашмадик. У овқатланиб бўлиб қўлини артди. Унинг пиёласига чой қуятуриб сўрадим:

— Отахон, мени танимадингиз-а?

— Йўқ, —деди у ҳайронликдан менга тикилиб.

— Сиз Бегимқул амаки эмасмисиз?

— Ҳа, Бегимқулман. Сиз кимсиз? — деди у оғзини очиб. Бояқишнинг тишлари тўкилиб кетибди. Патак соқоли хиёл титрагандек бўлди.

— Мен сизнинг қишлоғингизданман, Ҳусан акангизнинг ўғлиман.

У ўша заҳоти кўзини менинг нигоҳимдан олиб қочиб:

— Э, шундайми? — деди-да ерга қараб олди. Пиёладаги чойини аранг ичиб сукутга ботиб ўтирди. Мен билан тузукроқ сўрашишга, гаплашишга юзи чидамади.

Мен ёнимдан пул чиқариб, унга узатдим.

— Мана бу беш сўм ишингиз учун, —дедим.

У пулни олди-да, раҳмат айтиб қўйин чўнтагига тиқди. Кетиш учун ўрнидан қўзғалди. Мен ҳам ўрнимдан турдим, ортиқча илтифот кўрсатмадим. Қишлоғимиздан ҳар қандай одам келса, ўн кун жой беришга, меҳмон қилишга тайёрман. Аммо Бегим мўйловга нисбатан бундан ўзгача муомала қилолмадим.

Оқилжон ҲУСАНОВ.

Светофор 33-СОН

▲ ЖОНКУЯР ЖАМОАТЧИ АВТОИНСПЕКТОР ▲ ЁШ ПИЁДАЛАР УЧУН КУРГАЗМАЛИ ҚУРОЛ ▲ ТАКСИ ҲАЙДОВЧИСИ — ҚОИДАБУЗАР ▲ АВТОМОБИЛЬ ТАРИХИДАН ҚИЗИҚАРЛИ ФАКТ.

• *ЯХШИ ОДАМЛАР ҲАҚИДА*

БАХТ ЙЎЛИ

Глинка кўчасида жойлашган Давлат автомобиль инспекцияси жойлашган бино томон ўрта бўй, ёши анчага бориб қолган киши оҳиста одим ташлаб келарди. У шошилмасдан иккинчи қаватга кўтарилди. 50-рақами ёзиб қўйилган, хона эшигини очиб ичкарига кирди. Уни ГАИ ходимлари табассум билан қарши олиб, самимий ҳол-аҳвол сўрашдилар. Бу кишининг меҳнат дафтарчасида бошқа иш жойи қайд қилинган.

— Бу гражданин ким? — сўради ёш йўл назоратчиси секингина ўз командиридан.

— Бу кишими, космонавт, — деб жавоб қайтарди.

...1942 йилда ўрта мактабни муваффақиятли тугатган Миша Лаванов Фрунзе номидаги пиёдалар билим юртига ўқишга кирди. Қисқартирилган программада билим юртини тугатган бу йигит фронтга жўнади. Дастлабки жасоратидан бугунги кунда «Жасорати учун» жанговар медали қолган, холос.

Бироқ, ўшанда у қаттиқ ярадор бўлган эди. У Москва шифохонасида даволангач, район комсомол комитетида, Осоавиахим Марказий советида хизмат қилди. 1944 йилда шоферлар курсини тугатди.

Шундан бери М. Лаванов ана шу севимли касбида ишлаб келяпти. 32 йиллик иш фаолиятида у бирорта ҳам йўл-транспорт ҳодисаси айбдори бўлган эмас. Шимолий Кавказ, Ўзбекистон автомагистраллари, шунингдек, Тошкент шаҳри йўлларида унинг босиб ўтган масофасини ҳисобласак, бу ер шарини йигирма бор айланиб ўтишга етади.

Буни Михаил Александрович янада яхшироқ талқин қилиб беради. 1958 йилдан буён у жамоатчи автоинспектор бўлиб ишлаб келмоқда. У ҳайдовчиликдаги каби жамоат топшириғини бажаришда ҳам катта тажриба тўплади.

Жамоатчи автоинспекторлар штаби бошлиғининг ўринбосари вазифасида ҳам ғайрат кўрсатиб ишлади. 1974 йилдан буён эса, Давлат автомобиль инспекциясининг катта штатсиз инспектори вазифасини сидқидилдан бажариб келмоқда. Уй архивида жанговор мукофотлари билан бирга фахрий ёрлиқлар, авариясиз ишлаганлиги учун кўкрак нишонлари бор. Булар унинг фидокорона меҳнатидан далолат бериб турибди.

Лаванов жамоатчилик фаолияти даврида ўнлаб йўл қоидаларини бузувчиларни қўлга тушириб, юз бериши муқаррар бўлган бахтсиз ҳодисалар олдини олиб қолди. Ҳозир ҳам у ана шу постда.

М. Татарников фотоси.

ҲОДИСА

«Ҳайдовчига маст ҳолда транспорт воситаларини бошқариш тақиқланади».

58—86 ТНК «Запорожец» машинасининг ҳайдовчиси Виктор Туманов кўча ҳаракати қоидаларининг 14 «а» пунктида айтилган ана шу талабга тескари иш тутди. У. Фарҳод кўчасидан бораётганда автомашинани троллейбусга бориб урди. Йўл-транспорт ҳодисаси вақтида айбдор қаттиқ жароҳатланди. Шунинг учун ҳам у шаҳар шифохоналаридан бирига ёткизилди.

СУРАТДА: йўл қоидаларининг бузилиши оқибатида содир бўлган манзара.

Ҳ. Саидов фотоси.

РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ

Киров районининг меҳнаткашлари ўтган йил кузда шаҳарни ободонлаштириш икки ойлигини ўтказиш ташаббуси билан чиқиб, бу борада катта муваффақиятларга эришган эдилар. Район ободонлаштирув ч илари республика шаҳарлари ўртасида ободонлаштириш ва санитария ҳолатини яхшилаш бўйича 1975 йил тўртинчи кварталда олиб борилган социалистик мусобақанинг ғолиби бўлиб чиқишди.

Яқинда район партия комитетининг мажлислар залида Киров райони меҳнаткашларига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг кўчма Қизил байроғи тантанали равишда топширилди. Район меҳнаткашлари юксак мукофотга жавобан, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштир и ш уч ойлигида фаол қатнашиб, районни, шаҳарда энг намунали ва обод районлар даражасига кўтаришга эришишга сўз бердилар.

ҲУҚУҚ АХБОРОТЛАРИ БУРЧАГИ

Сўнгги йилларда республикамизда пиёдалар ва велосипедчилар ва бошқа шахслар айби билан жамоат тартибини бузиш, ҳаракат хавфсизлигига тескари иш тутиш ҳоллари юз бериб турибди. Бундай тартиб бузилишлари оқибатида йўл-транспорт бахтсиз ҳодисалари миқдори ортиб боряпти.

Аввал қўлланиб келинган қонунчиликда бундай кўнгилсизлик айбдорларига жавобгарлик белгиланмаган эди. Республика Министрлар Советининг тақдимига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми «Ўзбекистон жиноят кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида» фармон қабул қилди. Бу ҳақда кодексга киритилган янги моддага кўра, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ва юз берган бахтсиз ҳодиса, вақтида одам ўлишига айбдор бўлганлар беш йилгача муддатгача озодликдан маҳрум қилинадилар, ёки бир йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этиш кўзда тутилган.

СЎРАНГ. ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Куйбишев шоссесининг Табассум кўчасидан унча узоқда бўлмаган участкасида ташвишли йўл шароити вужудга келган. Бу ерда Ҳамза районидаги 215-мактаб, йўлнинг нариги томонида Ленин район маданият уйи жойлашган. Сўнгги 2—3 йилда бу ерда бир неча бор йўл-транспорт бахтсиз ҳодисаси юз берди. Шу йил 16 январда юз берган ана шундай воқеа вақтида бир бола ҳаётдан кўз юмди. Мен ва бошқа кўплаб ота-оналар бу тўғрида депутатларга мурожаат қилиб, болаларимиз хавфсизлигини таъминлаш бўйича зарур тадбирлар белгилашни илтимос қилган эдик. Масалан, йўлкаларнинг чеккаларини тўсиқлар билан ўраш айтилган эди. Ана шу тадбирлар қачон бажарилади?

Н. ТОЖИБОЕВ.

* * *

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль инспекцияси 215-мактаб қаршисида трамвай изидан ўтадиган жойни тартибга келтиришни сўраб, Ҳамза район ижроия комитетига хат билан мурожаат қилди.

Ҳадемай, бу ерда пиёдалар учун йўлка ажратилади. Ҳозирча йўлнинг мактаб тўғрисидан ҳар икки томонга «Болалар» деб ёзилган белги осиб қўйилди.

Тартибни бузганлар

Ҳайдовчилар... Транспортни маст ҳолда бошқарганлари учун собиқ шофёр ва мотоцикл ҳайдовчилари М. Каримбердиев, Б. Усмоналиев, А. Дадамуҳамедов, Б. Калибушкин, А. Азизовлар икки йил муддатга ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Шу билан бирга уларнинг ҳар бири 20 сўмдан жарима тўлади.

С. Кумербоев (трактор заводи), Н. Муҳамаджонов («Сувенир» фабрикаси). Р. Мавлонов («Узгазкомплект»), Р. Шамсутдинов (Республика Маданият министрлиги) каби ҳайдовчилар ҳам худди шундай жазо олдилар.

В. Волков иккинчи марта маст ҳолда транспорт рулига ўтиргани учун тўрт йилга ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилди. М. Қодиров, В. Роскин, А. Мирзаев, З. Ҳакимов, О. Злобин, Н. Герасимовлар эса транспорт тезлигини меъёридан оширганликлари учун олти ойга транспортни бошқармайдиган бўлдилар.

Пиёдалар... 8-темир-бетон буюмлари заводи арматурачиси М. Қобилов, «Ўртоқ» кондитер фабрикаси ҳисобчиси М. Едгорова, гидромелиорация техникуми студенти Р. Галимуллин, 3-таксопарк ҳайдовчиси С. Баженов, тўқимачилик комбинати электриги Б. Йўлдошев, савдо техникуми ўқитувчиси С. Ҳафизовалар кўчаларнинг ўтиш жойлари қоидаларини бузганликлари учун уч сўмдан жарима тўладилар.

БУ СОННИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ ДАВЛАТ АВТОМОБИЛЬ ИНСПЕКЦИЯСИ АГИТАЦИЯ ВА ПРОПАГАНДА БЎЛИМИ ХОДИМИ Л. ОФФЕНГЕНДЕН ТАЙЁРЛАДИ.

— Сени бундай «дум» билан ушламаганига ҳайронман.

— Чунки машина номери кўринмайди-да!

Ю. Бродицкий чизган расм.

▲ БУ — ҚИЗИҚ

АВТОМОБИЛНИНГ БИРИНЧИ НОМЕР БЕЛГИСИ

ИА—1. Автомобилнинг дастлабки номер белгиси ана шундай, яъни икки ҳарф ва 1 рақамидан иборат бўлган. Уни 1901 йилда берлинлик Рудольф Герцог ўз машинасига тақиб олган эди. Номер белгисидаги икки ҳарфни Рудольф ўз қаллиғи Иоган номидан олган бўлиб, 1—рақами эса рафиқасини илк бор севганини билдиради. Шу-шу бўлди-ю, машиналарга номер осиб юриш аввал Берлинда, кейинчалик эса мамлакатнинг бошқа шаҳарларида кенг тус олди.

▲ АВТОМОБИЛЬ ИШҚИБОЗЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН

«ҚУЁШЛИ ҚУЁНЧА»

Электроавтомобилларнинг ҳар томонлама афзаллиги кўпчиликка маълум. Улар фойдаланиш учун жуда қулай бўлибгина қолмай, шовқин чиқармасдан ва ҳавони ҳар-хил газлар билан ифлослантирмасдан ҳаракат қила олади.

Америка Қўшма Штатларида «Қуёшли қуёнча» деб номланган ана шундай электромобилнинг янги моделдаги тажриба намунаси яратилди. Ташқи кўринишидан қуёнчага ўхшаш бўлган бу электромобиль айниқса шаҳар шароитида ва катта шосселарда ундан фойдаланишнинг қатор устунликларини кўрсатди. Унинг соатига 80 километр, ҳатто ундан ҳам ошиқ тезликда юриши кўпчиликни ҳайратда қолдирди.

МАРТ ОБ-ҲАВОСИ

Март ойи об-ҳавоси беқарор бўлади. Бутун март давомида ва айниқса ойнинг биринчи ярмида ҳаво температураси тез-тез ўзгариб, ҳатто кунлар совийди ҳам. Кечалари 3—5 даражада совуқ, кундуз кунлари эса 2—5 даража иссиқ бўлади.

Ойнинг иккинчи ўн кунлиги охирида ва учинчи ўн кунлиги бошларида ўлкамизга совуқ ҳаво оқими кириб келиши кутилади. Ана шу кунларда ҳаво температураси кечалари 0 даражагача пасаяди. Ойнинг иккинчи ўн кунлигида кунлар бирмунча исиб, кечалари 0—5 даража иссиқ, кундузлари 10—15 даража иссиқ, учинчи ўн кунликда эса кечалари 4—9, кундузлари 15—20 даража иссиқ бўлади.

Ой давомида ҳавонинг ўртача температураси 5 даража иссиқ атрофида бўлади. Бу ҳар йилги меъёридан 2—3 даража камдир. Бутун ой давомида ҳаво вақти-вақти билан булутланиб, ёғингарчилик бўлади, туман тушади. Кунлар совиганда ёғаётган ёмғир, қорга айланади. Ой давомида бўладиган ёғингарчилик 70 миллиметрдан иборат бўлиб, ҳар йилги меъёридан бироз кўпроқдир.

Иккинчи ўн кунликда шимоли-ғарбдан эсадиган шамол кучайиб, тезлиги секундига 10—15 метргача етади.

У. ТИМОШЕНКО, САРНИГМИ катта инженер-синоптиги.

Редактор С. М. ҚАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2|III да **Абу Райҳон Беруний**, 3|III да **Комиссия**, 4|III да **Инқилоб тонги**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2|III да **Жоним фидо**, 3|III да **Нурхон**, 4|III да **Жон қизлар**.

КИНО

2 МАРТДА

Тузатилган хато — «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), «МОСКВА» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 19.30, 21.00).

Биринчи муҳаббатим — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда).

Дельфин куни — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда).

Еру осмон ўртасида: Маугли — «ЧАЙКА» (11.30, 13.30, 16.15, 18.45, 21.15).

Амрапали — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Еру осмон ўртасида — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

3 МАРТДА

Тузатилган хато — «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), «МОСКВА» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 19.30, 21.00).

Биринчи муҳаббатим — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда).

Дельфин куни — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда).

Еру осмон ўртасида: Маугли — «ЧАЙКА» (11.30, 13.30, 16.15, 18.45, 21.15).

Амрапали — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Еру осмон ўртасида — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

БАҲОР БАЙРАМИГА

Ҳурматли хотин-қизларимизга!

«ЧИЛОНЗОР» САВДО МАРКАЗИ

ЧИРОЙЛИ СОВҒА ТЎПЛАМЛАРИ ВА ЁДГОРЛИКЛАР;
ЯНГИ ХИЛ КИЙИМЛАР, ПОЙАФЗАЛЛАР ВА





ТРИКОТАЖЛАР;
АТИРЛАР, СОАТЛАР,
ЗОНТЛАР, РЎМОЛЛАР,
СУМКАЛАРНИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

„ЧИЛОНЗОР" САВДО-МАРКАЗИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ХУСУСИЙ АВТОТРАНСПОРТ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Т. Шевченко кўчасидаги

2-АВТОЗАПРАВКА СТАНЦИЯСИ

ТУГАТИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

ХУСУСИЙ АВТОТРАНСПОРТЛАРНИ БОЗОР ФОНДИ ТАЛОНЛАРИ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ОБЛАСТИДАГИ ҲАММА АВТОЗАПРАВКА СТАНЦИЯЛАРИДА, ЖУМЛАДАН, ПУШКИН КЎЧАСИДАГИ 1-АВТОЗАПРАВКА СТАНЦИЯСИДА ЗАПРАВКА ҚИЛИШ МУМКИН.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ОБЛАСТЬ АВТОЗАПРАВКА СТАНЦИЯЛАРИНИНГ БИРЛАШГАН БОШҚАРМАСИ.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

1 МАРТ — ДУШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 16.45 Бадиий фильм. 18.30 «Моҳир қўллар». 19.00 КПСС XXV съезди кундалиги. 19.30 «Биз уйнаб кўшиқ айтамиз». 19.45 Телевизион экранда биринчи марта. «Бир йиғилиш протоколи». М. Горький номли Ленинград Академик Большой драма театрининг спектакли. 22.00 «Вақт» информацион программаси. КПСС XXV съездида. 23.00 «Нежданова кўчасида». 00.30 Янгиликлар.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 17.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 18.20 «Қувноқлар даврасида». 18.45 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мардлик мангулик». 19.30 «Қишлоқ ҳаёти» программаси. (рус.). 20.00 Социалистик мусобақа илғорлари учун концерт. 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 Ўн минут музика. 21.30 «Ғазал кечаси». Кўрсатувни шоир Эркин Воҳидов олиб боради. 22.00 **Москва.** «Вақт» информацион программаси. КПСС XXV съездида. 23.00 «Кинокўзгуда — ҳаёт». (рус.). 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Учинчи программа. Душанба кўрсатади. 16.45 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 16.50 Фильм-концерт. 17.40 «Билим» телевизион мактаби (тожик тилида). 18.15 Ҳужжатли фильм. 18.30 «Зарбдор меҳнатимиз — КПСС XXV съездига!». 19.00 Москва. КПСС XXV съезди кундалиги. 19.30 Янгиликлар. 19.45 Ёшлар командалари ўртасида футбол бўйича халқаро учрашув қатнашчилари бизнинг меҳмонимиз. 20.10 «Порторг». Телевизион ҳужжатли фильм. **Тожик тилида:** 20.40 «Ахбор». 21.00 «Биринчи баҳор». 21.30 «Партияни шарафлаймиз». Концерт. 22.00 Душанба кўрсатувларининг охири.

2 МАРТ — СЕШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 Мультипликацион фильмлар программаси. 11.00 Ҳужжатли фильм. 11.30 С. Прокофьев. 7-симфония. Москва Давлат филармониясининг Академик симфоник оркестри ижро этади. 12.00 «Мўъжизасиз — мўъжизалар». 13.00 КПСС XXV съездида. 15.45 Ҳужжатли фильм. 16.35 Совет қўшиқларидан концерт. 17.05 «М. Шолохов ижодида коммунист образи». 17.45 «Волжанка» ансамбли ижро этади. 18.15 «Горичилар, қаердасиз!». 19.00 КПСС XXV съезди кундалиги. 19.30 «Москва ҳақидаги шеърлар ва қўшиқлар». 19.45 «Ҳаётдаги асосий кун». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 20.45 «Фантазия». Телевизион бадиий фильм премьераси. (И. С. Тургеневнинг «Баҳор тошқинлари» повести асосида тайёрланган). 22.00 «Вақт» информацион программаси. КПСС XXV съездида. 23.00 «Балли қизлар!». 00.30 Янгиликлар.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 12.20 Кўрсатувлар программаси. 12.25 Адабиёт. 10-синф. «Ўзбек совет адабиётининг камоли» (ўзб.). 17.00 Кўрсатувлар программаси. **Ўзбек тилида.** 17.05 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 18.05 «Камалак» клуби. 18.45 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ёшлари». 19.30 Қишлоқ хўжалиги билимлари халқ университети. «Сабзавотчилик факультети». 20.00 «Кўнгил хазинасидан». Музикали кўрсатув. 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 Телевизион новеллалар театри. Прем. Чанд. «Келин». 22.00 **Москва** «Вақт» информацион программаси. КПСС XXV съездида. 23.00 «Кино оламида». 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.00 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 18.05 «Мойдодир». Фильм-балет. 18.20 «Санъат турлари. Кино санъати». Эстетикадан ўқув кўрсатуви. 19.00 Волейбол. Олий лигадаги хотин-қизлар командалари ўртасидаги Бутуниттифоқ мусобақалар. «Автомобилист» (Тошкент) —«Динамо» (Москва). Округ офицерлар уйининг спорт залидан репортаж олиб кўрсатилади. 20.30 Тошкент янгиликлари. 20.45 «Менинг тақдирим». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, «ПРАВДА ВОСТОКА» КУЧАСИ, 26-УЙ.

Р — 01218. Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26. ИНДЕКС 64579. Нашр В—3027.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор—33.02.49 дан 33.02.58 гача. Эълонлар бўлими—33-81-42.